

узб. 2
49
Э-81

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ



ЭСКИ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА ЁЗУВИ

Маъруза матни Олий ўқув юртларининг филология
факультети бакалавриат бўлимига мўлжалланди

ایسکی اوزبیک تیلی و یازوی


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ


ЭСКИ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА ЁЗУВИ

Маъруза матни Олий ўқув юртларининг филология
факультети бакалавриат бўлимига мўлжалланди

ایسکی اوزبیک تیلی و یازوی



Тошкент – 2001



Ушбу маъруза матни Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълими ва Халқ таълими вазирликларининг Давлат таълими стандартлари ўқув бўлими режаси асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълими вазирлиги, Ўзбекистон Миллий Университети, Ўзбек филология факультети илмий кенгаши ва Тошкент вилоят Давлат Педагогика институти «Шарқ тиллари ва ёзуви» кафедраси томонидан тажрибавий ишланма сифатида тавсия этилди. Ушбу маъруза матни сараланган маъруза ва амалий мавзулар асосида тузилди. Келгусида қолган мавзулар ҳам маъруза матни сифатида алоҳида чоп этилиши режалаштирилган.

Тайёрловчилар: Ўзбекистон Миллий Университети Умумий тилшунослик кафедраси доценти, ф.ф.номзоди **З. ҲАМИДОВ**

Тошкент вилояти Давлат Педагогика институти «Шарқ тиллари ва ёзуви» кафедраси ўқитувчилари **Ш. ЭҒАМОВА, А. УБАЙДУЛЛАЕВ**

Муҳаррир: ф.ф.доктори **Ҳ. ДАДАБОЕВ**

Тақризчилар: ф.ф.номзодлари **И. НОСИРОВ, М. АБДУЛЛАЕВ**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Илмий методик Кенгашининг 2001 йил 16 январ мажлиси қарори билан нашрга тавсия этилган (2-сонли баённома).

УҚТИРИШ ХАТИ

Мазкур маъруза матни эски ўзбек тили ва ёзувини ўрганиш учун зарур маълумотлар беришга мўлжалланди. Унда бир қатор назарий ва амалий мавзулар саралаб олинди. Асосан, Ўрта Осиё ёзувлари тарихи, эски ўзбек тили ва ёзувининг ўзига хос хусусиятлари, араб хат турлари, уларнинг Ўрта Осиёда ёйрилиши, хусусан бу хатларнинг туркий манбалар асосида тарғиб қилинишига эътибор берилди. Бундан ташқари ўқувчи равон ва беҳато ўқиши учун матн устида ишлаш, мумтоз адабий манбалар матнининг шарҳли ўқиш кўникмасига ҳам эга бўлишлари учун уларга Аҳмад Яссавий, Атоий, Лугфий, Навоий, Бобур ва ундан кейинги ижодкорлар асарларидан намуналар ўқиш учун тавсия этилди. Таянч тушунчалар сифатида ёзма ва оғзаки топшириқлар бериб борилди.

Эски ўзбек ёзувини ўрганишнинг энг содда, қулай усулидан фойдаланиш мақсадида, бу борадаги барча дарслик, қўлланма, илмий методик тавсиянома ва махсус мақолалардан фойдаланилди.

Хозирча дастлабки маълумотлар бериш учун юқориди таъкидланганидек ёзувнинг ўзига хос хусусиятлари, ушбу ёзув тарихидан қисқача маълумот, ёзув алифбосининг умумий тавсифи, уларнинг ҳосил қилувчи шакллар ва унинг турлари, ушбу шакллардан ҳарфий белгилар ҳосил қилиш қоидалари жадвал, ҳамда алоҳида ҳарфларга тўхталган ҳолда тушунтириб берилди. Масалан, ҳар бир ҳарфнинг она тилимиздаги қайси товушга мос келиши, барча ҳарфий белгиларнинг сўз таркибида бир томонлама ва икки томонлама қўшилиб ёзилиши, хуснихат қондасига биноан сатр чизиғи усти ва ости ҳарфлари, шунингдек, шаклдош ва шаклан ноўхшаш, бундан ташқари баъзи товушдош ҳарфлар каби гуруҳларга бўлиниши ушбу маъруза матнида ўзига хос услубда содда тилда тушунтириб боришга ҳаракат қилинди. Шунингдек, баъзи мавзулар кенгрок таҳлил этилди, мисоллари билан асосланди. Ёзув билан боғлиқ остки ва устки белгилар, араб, форс изофалари, абжад ҳисоби, тарих битиш, муаммо жанри каби мураккаб мавзуларни ҳам назарий ҳам амалий тушунтириб боришга ҳаракат қилинди.

Ушбу тузилган маъруза матни Олий ўқув юртлари учун мўлжалланган мавжуд дастурлар¹ асосида тузилди ва Олий ўқув юртларининг ўзбек филологияси факультетлари бакалаврият бўлими талабалари учун эски ўзбек тили ва ёзувини чуқур ўзлаштиришга, кейинчалик мукамал илмий мулоҳаза юрита оладиган филолог-матншунос, филолог-манбашунос даражасидаги мутахассислар тайёрлашга йўлланма беради.

Эски ўзбек тили ва ёзуви предмети дастур асосида режалаштирилган бўлиб, университетларнинг филология факультетлари бакалаврият бўлимида 80 соат ҳажмида иккинчи курснинг III семестрида, педагогика институтларининг филология факультети бакалаврият бўлимида эса жами: 200 соат, шундан 170 соат тажрибавий аудитория машғулоти, 30 соат мустақил таълим соатлари, I-II курсларнинг тўрт семестрига тақсимланган.

¹ Исҳоқов Ф. Эски ўзбек тили ва ёзуви, дастур. Т., 1994; Ҳамидов З. Эски ўзбек ёзуви, Олий ўқув юртларининг нофилологик факультетлари учун, дастур. Т., 1991 й.; Кодиров М. Академик лицейлар учун ўқув дастури (тажрибавий) эски ўзбек ёзуви ва тили. Т., 1999 й.

Эски ўзбек ёзуви Олий ўқув юртлирининг университет ва педагогика институтлари филология факультети бакалавриат бўлимларида дастур асосида ўқитилиши режалаштирилган. Университетнинг филология факультетларида иккинчи курс III семестрда модель тизими асосида, педагогика институтларининг ўзбек филологияси факультетларида эса I ва II курсларнинг тўрт семестрида ўқув дастурига биноан ўқитилади. Ушбу маъруза матнига ушбу курсларда ўтказиладиган эски ўзбек ёзуви ва тили маъруза ва амалий машғулот матнлари саралаб олинди, зарур илмий адабиётлар жамланиб охирида кўрсатилди.

Маълумки, илгари ўрта мактаб ўқувчилари ва олий ўқув юрти талабаларига, мустақил ўрганувчиларга мўлжалланган “Эски ўзбек ёзуви”, “Араб-ўзбек ёзуви”, “Эски ўзбек тили ва ёзуви”, “Ўқиш китоби” каби дарслик ва қўлланмалар мутахассислар томонидан дастур асосида ёзилиб, бир неча бор нашр этилган бўлсада, бугунги кун ўқувчиси учун аниқ йўлланма берувчи қўлланмалар етишмаяпти. Айниқса, ўзбек ёзувлари тарихи ҳанузгача махсус илмий ўрганилмаган. Ҳарф, белги ва унинг товушлар тартиби хусусида ҳам махсус йўлланма берувчи методик тавсияномалар ёзилмаган. Эски ўзбек ёзувининг ҳарфлари, уларнинг баъзилари махсус илмий ўрганилган бўлсада, ёзув билан боғлиқ ҳаракатлар, уларнинг қисқа товуш ифодаси каби имловий хусусиятлари алоҳида тушунтиришни тақозо этади.

Турли даврларда яратилган туркий (ўзбек) матнларида четдан кирган араб, форс сўзларини тўғри ёзиш имлоси ҳам чигал, ўқувчига тезда тушунтиладиган мавзу эмас. Бу эса кенг, батафсил изоҳ беришни талаб этади. Ушбу масалаларга тўхталиш, эски ўзбек ёзувини чуқур ўзлаштириш мақсадида мактаб ёшидан бошлаб, аввало матн ўқий оладиган даражасида бўлишни, Олий ўқув юртлирида эса чуқур назарий ва амалий маълумотга эга бўлишда мазкур маъруза матни дастлабки фойдаланиш мумкин бўлган ишланма ҳисобланади.

I. НАЗАРИЙ МАЪРУЗА МАВЗУЛАРИ

ЁЗУВ ВА УНИНГ ТАРИХИ (1 соар)

Кишилик жамияти ўз тарихининг кўпроқ қисмини ёзувсиз ўтказган. У ёзувга етиб келгунча узоқ йўлни босиб ўтган ва нутқни ёзиб олиш учун бир неча минг йил илгаригина белгилар қўлланила бошлаган. Бу қарийб олти минг илгаригина эрамыздан олдинги тўртинчи минг йилликда содир бўлган, деб ҳисобланилади. Бироқ 1961 йили Трансильванияда, Тэртерия посёлкаси (Руминия) яқинида археологлар жуда ҳам кўп сирли расм-белгилар чизилган учта сопол тахтача топишди. Булар деярли етти минг йиллик ўтмишга эга ёзма ёдгорликлар эди.

Одамнинг тажрибаси ва билими орта борган сари унда билганларини ёдда тутиш ва бошқаларга бериш зарурати туғилди. Замонавий тил билан айтганда, ахборотни сақлаш ва узатиш муаммоси келиб чиқди.

Буюмлардан дастлаб инемоника воситалари ёки "эслатувчи" воситалар сифатида фойдаланиш замонавий ёзувга олиб келувчи машаққатли узоқ йўлдаги биринчи қадам бўлди. Бу воситалар фикрни узатмас, балки уни фақат эслатарди. Бирор нарсани эслаб қолиш учун рўмолнинг учини тутиш одати шундан қолган.

Сўнгра буюмларга конкрет маъно берила бошлаган. Улар олдиндан кенгашиб, олинган нарсаларни билдирувчи ўзига хос сигналлар шартли белгилар бўлиб ҳисобланган. Чўпхатга ёки дарахт танасига кертиб белги солиш, тугунлар, тизимчалар, уруш эълон қилиш вақтида эса камон ўқи ва бошқа буюмлар шундай шартли белги вазифасини ўтаган. Буюмга маъно бириктириб қўйилишининг усули "буюмли ёзув" деб аталган.

Сон, рақамларни билдириш учун, масалан, тахтачаларга кертиб шартли белгилар ўйилган. Бу хатчўплардан ҳар хил шартномалар тузишда фойдаланилган. Шартномани тузишда хатчўпни бўйига қоқ ўртасидан бўлиб, ярми бир томонга, иккинчи ярми иккинчи томонга берилган. Хатчўп бўлаклари бирлаштирилганда кертиклар бир-бирига мос келган.

Хатчўплар календарь сифатида ҳам қўлланилган (унга кунлар, ҳафталар сони ва ҳоказолар ўйилган). Улар қарз шартномаларида тилхат ўрнида ҳам хизмат қилган. Хотирада узоқ вақт сақлаб турилиши лозим бўлган воқеалар тўғрисидаги унутилмас маълумотлар рўйхати сифатида ҳам хатчўплардан фойдаланилган.

Ҳозирги вақтда ҳам ишлатиш қулай бўлган жойларда сигнализация учун буюмли ёзув принциpidан фойдаланишмоқда. Масалан, сув йўлларида хатарли жойларни кўрсатиб турадиган сузғичлар – бакенлар, маёқлар ва сигнал байроқчалари – денгизда, светофор ва семафорлар – курукликдаги йўлларда, сигнал лампочкалари – ҳар хил приборларда қўлланилади. Буларнинг ҳаммаси ахборот, ҳиссалари ва перулик чўпонларнинг тизимчаларига "қариндош"дир.

Буюмли ёзув ўзининг асосий вазифасини бажара олмади, инсониятнинг тўпланган билимларини сақлаб, ёдлаб қоладиган ўзига хос хотирасига айлана олмади. Ижтимоий турмуш мураккаблашган сари бунга эҳтиёж

тобора ортиб борарди. Урф-одатлар, анъаналар шаклланди, уларни янги авлодга етказиб бериш лозим эди. Меҳнат тақсмоти ва мол айирбошлаш аниқ ҳисоб юритилишини талаб қиларди. Қабила бошликлари ва хоҳинлар ажралиб чиқдилар, уларнинг фаолиятини абадийлаштириш зарур эди.

Пиктография ёки расмлардан иборат ёзув замонавий ёзувга олиб борадиган йўлдаги навбатдаги босқич бўлди. Унинг хусусияти ахборот узатиш билан белгиланар эди. Расмлардан иборат ёзувнинг хусусияти шуки, бунда фикр айрим тушунчаларга ажратиб эмас, балки тўла ифодаланлади. Пиктограмманинг энг майда парчалари ҳам замонавий ёзувдаги жумлалар қисмларга бўлинади, ammo пиктограмма бўлинмайди. Пиктограмма ҳаракатни, воқеа-ҳодисани тасвирлайди, лекин оғзаки тилни, буюмларнинг номларини муғлақо акс эттирмайди. Пиктограмма номани тасвирласа, ўшани ифодалайди, унда символика йўқ. Шунинг учун пиктограммани ҳар бир киши, қандай тилда гапиришидан қатъий назар, шарҳлаб бериши мумкин.

Пиктограммалар ов ҳақидаги маълумотларни, рўзғор ишлари билан боғлиқ ёзувларни жанговар юришлар, босқинчилар, тўқнашувлар тўғрисидаги хабарларни, куф-суфларни (улар, айниқса, Шимолий Америка ҳиндлари ўртасида, шунингдек, Индонезияда кўп тарқалган, сиёсий шартномаларни, арзномаларни, ультиматумлар ва севги мактубларини ўзичига олган.

Пиктограммаларни изохлаш учун энг қулайи шеърый формадир. Ердиклардан бири қироат билан ўқиган бундай шеърнинг ҳар бир сатри айрим расмни ифодалайди. Пиктография ибтидоий санъат кучоғида вужудга келди. Олимлар инсонларининг бундан 40-10 минг йил илгари қадимги полеолит даврида чизган расмларини топишган. Қадимги одам тошни ўйиб нақш солган, суякка белгилар ўйган, гор деворларига ҳайвонлар: бизон, момонт, оҳулар, каркидон, отлар, буғулар ёки одамлар тасвирини бўёқлар билан чизган. Бу билан у гўё дунёни билиб олган ва тасвирлаган.

Европада эраиздан олдинги тўққизинчи-олтинчи минг йиллик деб сана қўйилган мезолит даврида умумий мазмунга бирлаштирилган мураккаб тасвирий композициялар янада кўпроқ тарқалган. Улар расмлар билан ифодаланган тугал ҳикояга ўхшайди.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, пиктографик ёзув неолит даврида, тарқоқ уруғдош гуруҳлар қабилага бирлаша бошлаган вақтда узил-кесил шаклланган.

Пиктографик белгилар ҳозирда ҳам кенг қўлланилади. Магазин ва устахоналарнинг вивескаларидаги моллар тасвири, кўча ҳаракатини тартибга солиб турувчи белгилар, заҳарли моддалар солинган идишлар деворидаги бош суяги, чагиштирилган суяклар тасвири ва йўналишни кўрсатувчи қўл ёки стрелкалар расми ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Масалан, Шимолий Осетияда марҳумнинг фазилатлари ёки истеъдодини билдирувчи пиктографик белги чизиги одати сақланиб қолган

моҳир чавандознинг қабр тошида – от ёки эгар, олимнинг қабр тошида – китоб, моҳир тикувчи қабр тошида эса тикув машинаси тасвирланади.

Тадқиқотчилар пиктографияни фикрни ёзув билан ифодалашнинг дастлабки усули деб ҳисоблайдилар. Пиктография яққоллиги туфайли ҳаммабоп бўлган-у, бироқ маъно, мазмунни ихтиёрий шарҳлашга йўл қўйган.

Расм фикрни аниқ ифодалашга имкон берадиган, кўп жойни эгаллайдиган восита бўлганлигидан мавҳум тушунчаларни расм ёрдамида англаш жуда қийин эди.

Ёзув биладиганлар ниҳоятда кам бўлганлигидан ва ёзувдан тасодифий ҳоллардагина фойдаланилганлигидан пиктографик ёзувнинг камчиликлари кўзга ташланмаган. Лекин давлат тузуми ривожланиб, ёзишмалар кундалик ишга айлана борган сари ёзувга эҳтиёж ортаверган, ёзув кундалик ҳаётда заруратга айланган. Ёзишни тезлаштиришга эҳтиёж туғилган. Ҳар бир тасвирдаги расм аста-секин содаллашиб бориши ва уларнинг ҳаммаси аниқ график белгиларга ажралиб кетиши қонунийдир. Муайян расм буюмнинг номи билан аталган, буюм тасвирловчи бўлиб қолган.

Ёзув битиладиган материал расм-белгиларнинг шаклига жиддий таъсир ўтказган. Масалан, Олд Осиёда тўғри бурчакли ёки чўзилган доирадаги сопол тахтачаларга белгилар чизилган.

Лойнинг қовушқоқлиги тахтачаларга айлана чизиклар чизишни қийинлаштирган, шунинг учун пона шаклидаги белгилар – миҳхат ишлаб чиқилган Мисрда асосий ёзув материали сифатида папирусдан фойдаланилган. Папирус – хат ёзиш учун махсус тайёрланган биринчи материалдир. Миср ёзувлари тасвирийлиги билан ажралиб туради. Хусусан, тошга ўйиб ёзилган хатлар кўзга яққол ташланади. Улар кўпинча нақш билан моҳирона уйғунлаштирилган.

Ёзма ёдгорликларнинг бут ҳолида сақланиши ҳам унинг қандай материалга битилганига боғлиқ бўлади. Тез йиртилидиган, уваланадиган, мўрт материалга битилган хатлар йўқ бўлиб кетган, пишик, мустаҳкам асосга битилган ёзувлар эса замонамизгача сақланиб қолган.

Узоқ ўтмиш садоларини бизга ана шу ёзувлар етказмоқда. Ёзув – инсоннинг энг олий кашфиётларидан бири. У ўтмиш билан келажак ўртасидаги восита.

Савол ва топшириқлар

1. Энг қадимий ёзувлар ҳақида маълумот беринг.
2. Ўрта Осиё халқларининг дастлабки ёзувлари қайсилар?
3. Ёзма ёдгорликлари бизгача етиб келган ёзувлар ҳақида маълумот беринг.
4. Ёзма ёдгорликларнинг асл ёзуви ва турларини санаб беринг.

* * *

Маълумки, VII асрдан бошлаб, араблар Ўрта Осиё ва Кавказ бўйлаб катта юриш қилдилар. Натижада бу улкан ҳудуднинг асосий қисми улар тасарруфига ўтди.

Тез фурсат ичида араблар ўз тили, ёзувчи ва маданияти, урф-одатини маҳаллий халқларга сингдира бошладилар. Шу тарихда бу ўлкаларда араб алифбоси ҳукмрон ёзув бўлиб қолди. Барча расм-русмлар, ижтимоий-иқтисодий масалалар араб ёзуви асосида расмийлаштириладиган бўлди. Фан ва маданият, адабиёт ва санъат, ўқиш ва ўқитиш ишлари ҳам араб ёзуви ва тили негизида амлага оширилади бошлади.

Араб хатларининг тури кўп. Шулардан қадим замонлардан бери ишлатиб келинадиганлари асосан, маҳаллий, тавкё, насталик, насх, куфий, рикъоъ, шикаста, сулс, таълиқ ва бошқалар.

Бу ёзув турларининг ҳар бири ўзига хос хусусиятларига эга куфий ва сулс хатлари бошқаларига қараганда ўқилиши ва ёзилиши жиҳатидан бирмунча мураккаб. Бу хатлар кўпинча иморатлар, меъморчилик ёдгорликлари пештоқига, қабр тошларига ёзилган. Настаълиқ ёзуви бу турлар ичида осон ўқилиши ва чиройли ёзилиши билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиё ва кавказда у расмий ёзув сифатида қабул қилинган. Ёзма ёдгорликлар шу ёзувда яратилган.

Настаълиқ – "насх" ҳамда "таълиқ" хатларининг ўзаро бирикувидан вужудга келган ёзув туридир. Ўрта Осиё ва Закавказьеининг бошқа халқлари сингари ўзбек халқининг ҳам минг йиллик маънавий мероси ана шу ёзувда битилган.

Машхур шоиру носирлар, муарриху мутаржимларимиздан Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Алишер Навоий, Бобур ва Огаҳийлардан тортиб Ҳамза, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпонларнинг энг яхши бадиият дурдоналаригача, Беруний, Жувайний, Муҳаммад Наршаҳий, Рашидиддин Вотвот, Насавий, Байҳақий сингари муаррихлар яратган ўлкамиз тарихига оид мумтоз асарларнинг барчаси араб ёзувида битилган. Халқимизнинг кўп асрлик маънавияти, руҳий олами, ижодкорлик салоҳияти ана шу ёзувда акс этган.

АРАБ ЁЗУВИ ВА ЎРТА ОСИЁ ХАТТОТЛИК САНЪАТИ ТАРИХИДАН (1 соат)

Шарқ халқлари, шу жумладан, Ўрта Осиё халқларининг маданият тарихи энг қадимий ва кўп соҳаларда юксак тараққиёт босқичига эришганлиги бу кунда бутун дунё илм-фан аҳли томонидан эътироф этилгани хақиқатдир.

Араблар истилосидан сўнг IX–XI асрларда Ўрта Осиёда, айниқса, Хоразмда маданий ва илмий тафаккур беқиёс барқ уриб гуллади. Жаҳонга танилган ал-Форобий, Ибн Сино, ал-Беруний сингари улўф мутафаккир олимлар даҳосидан ҳозиргача башарият баҳраманд бўлиб келмоқда. Араб ёзувида китобат қилинган минг йиллик маданий мерос наслдан-наслга қўлёзма шаклида ўтиб келган. Шу қўлёзма китоблар ту-

файлигина Ўрта Осиё халқлари ота-боболари яратиб қолдирган маданий меросдан баҳраманд бўлганлар. Шу қўлёзмалар туфайли Ўрта Осиёдаги ҳар бир халқ, ҳар бир миллат ўз тарихига эга бўлганлар. Араб ёзуви Ўрта Осиёда Ислоҳ дини билан кириб келган. Шу сабабли араб мамлакатларидаги ва шунингдек, Ўрта Осиёдаги бир гуруҳ ҳаттотлар Куръон ҳамда диний китобларни кўриш билан шуғулланганлар.

Барча санъатлар сингари ҳаттотлик санъатида халқ юксак маҳоратга эришган ва сабр орқасидангина эришиш мумкин эканлигини Ибн Баввоб уқтирган.

ثم اجعل التمثيل دأبك ما برأ مادرك الماصول مثل صبود

Таржимаси:

Устоднинг хаттига қараб доим машқ қилишдан ўзингга келадиган жабр ва машаққатларга сабр қил. Чунки сабр ила бу гўра халво бўлур, деганлар.

Ибн Баввобнинг хат санъати ҳақидаги бу рисоласидаги асосий ғоялар кейинчалик жуда кўп рисолаларда тараққий этилади ва янги маслаҳатлар назарий фикрлар билан битилади. Бироқ Ибн Баввоб ихтиро этган хат намуналари ҳақида XVI асргача деярли ҳеч қандай аниқ маълумот йўқ. XV асрнинг II ярмида яшаб 908 (502-503) йилда вафот этган араб ҳаттотларидан.

Муҳаммад ибн Ҳасан.

محمد بن حسن الطيبي جامع محاسن كتابه الكتاب

Ал-Тибий ўзининг рисоласида Ибн Баввоб томонидан 17 хил хат ихтиро этилганини тўла равишда баён қилади ва бу 17 хил хатни Ибн Баввоб ёзган мўтабаар нусхалардан кўчириб, уларнинг номларини бирмабир кўрсатади. Мазкур рисола орқали биз Ибн Баввобга нисбат берилган хат намуналари билан таърифли имкониятига эгамиз. Араб хатининг хусниҳатдаги энг машҳур ихтирочи Ибн Баввоб 36 тур хатдан тубандаги 16 турини Ибн Муқладан кейин ихтиро қилганлиги ва такомиллаштирилганини XVI аср (1819 йилда) яшаган улуғ хаттот Муҳаммад бинни Ҳасан Тибий ўзининг "Жамеъи маҳосинин китобат ул-китоб" номли аса-рида Ибн Баввоб усулида суратларни ёзиб кўрсатган

Мурожаат сўз ва ёзув атамалари шарҳи:

Сулс ул-муътод – одатдаги сулс ёзадиган қалам ёки одатдаги сулс хати.

Мансур – насрий сўзлар, сочма хат, бир ҳижо, икки ҳижолик сўзлар, ўрталарига нуқта, вергул қўйилган хат.

Муқтарин – сўздаги ҳарфларини бир-бирига улаб ёзилган хат.

Тавокеъ – тавқиъ хати ўтган асрлардаги ҳужжат ва ривоятларнинг бошига ёзиладиган сўзлар шу қалам билан ёзиларди.

Жалил – ус сулс-сулс хатининг катта йирик ёзилиши.

Мусаҳиф – мусаҳф қалами.

Мусалсал – дамолари ичига олинган, ҳарфларнинг учи бир-бирига бириккан, занжир каби тўқилиб ёзилган хат.

Губор – майда ёзилган насх хати қил қалам

Насх ул-фаззоҳ. – очик ва равшан насх қалами ёки насх хати.

Жалил-ул муҳаққақ – муҳаққақ хатининг йирик қалами.

Райҳоний – вазъ-шакл ва нозикликда райҳонга ўхшаганлиги бўлган хат.

Риқоъ – маҳбуллар, кишиларга юборилган хат шу риқоъ хати билан ёзиларди.

Раёсий – IX аср бошида икки раёсат эгаси Фазл ибн Саҳлга атаб ихтиро қилинган хат.

Лув-луъий – марвариддек териб кўчирилган хат ёки кўчириладиган қалам.

Хавоши – кўлёзма хошияларини кўчирадиган қалам.

Ашбор – шеърлар учун махсус қалам.

Ўрта Осиёда хаттотлик санъатининг кенг тараққиёти Темур ва темурийлар давридан бошланади. Хусниҳат санъати дастлаб Хуросон пойтахти Хиротда ривожланиб, у ерда Султон Али Машҳадий бошлиқ йирик хаттотлик мактаби ташкил топади. Мактабнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бу ерда асосан XIV асрда Мир Али Табризий яратган наставлик хат услуби Султон Али томонидан такомилллантирилади.

Хирот хаттотлик мактабидан Аҳмад Тойиб Мовароуннаҳрий, Мавлоно Юсуф Хуросоний, Аҳмад Румий, Султон Бойсунқор, Мавлоно Маъруф ва бошқаларни келтиришимиз мумкин. XVI асрда темурийлар салтанати инқирозга юз тутиб, сиёсий ҳукмронлик шайбонийлар қўлига ўтиши билан Бухорода маданий ҳаёт маълум даражада тараққий топади.

Хирот хаттотлари, рассомлари ва маданият арбобларидан бир қисми Бухорога келади. Уерда Бухоронинг ўзига хос бўлган янгича китобат ва хусниҳат санъати ривож топади.

XVI–XVII асрларда яшаб ижод этган Бухоро хаттотлари хусниҳат бебида ўзига хос услуб Бухоро хаттотлик мактабини яратадилар. Буларга Султон Муҳаммад Бухорий, Мирали Хиравий, Султон Али Машҳадийлар мисол бўлади.

Хоразм Ўрта Осиёнинг энг қадимий маданият ўчоқларидан бири бўлса ҳам хаттотлик санъати XVIII аср иккинчи ярми XIX асрдагина вужудга келган. Араб ёзувининг узок асрли бадийий эволюцияси ва эстетикага бўлган муносабати шу даражага бориб етганки, араб ёзуви график шакллари шоирлар ижодида бадийий ифода воситасига айланиб келган. Чунончи, маҳбуланинг беандоза қомати, "алиф", хижронда ёнган лирик қаҳромоннинг букилган қадди, "дол" гўзалларнинг тиши "син", қош кўзи "нун", зулфи "жим" ва икки ярим сочи "ломалиф"га ўхшатишган.

Савол ва топшириқлар

1. Ўрта Осиёга араб алифбоси қачон кириб келган?
2. Ўрта Осиёда яратилган кўлёзма манбаларимизнинг бадийий безаги ҳақида маълумот беринг.
3. Хаттотлик санъатининг нозик кирралари ҳақида тушунча беринг.
4. Туркий кўлёзма манбалар ва уларнинг турлари ҳақида маълумот беринг.

ЎРТА ОСИЁ ҚЎЛЁЗМА КИТОБЛАРИНИНГ БАДИИЙ БЕЗАГИ (1 соат)

Қўлёзма китоб барча замонларда барча халқларда, айниқса, Ўрта Осий халқларида алоҳида эъзозга эга бўлган. Шу соҳа тадқиқотчиларининг айтишича, ўтмишни тушунишга ва келажак тўғрисида ўйлашга даъват этувчи, билим ва эстетик завқ манбаи бўлган қўлёзма китобни ўқиш ва безакларини томоша қилишдаги туйғуга фақат кашфиёти туйғусигина тенглаша олади.

Тилдаги ўзгаришлар ва ёзув Ўрта Осийда ҳам қўлёзма китоб яратишига олиб келди. Бизгача етиб келган қўлёзма китоблар Осий тарихининг барча томонларига оид билимларимизни тўлдирди, кўпинча унинг шу пайтгача маълум бўлмаган янги саҳифаларини очди. Ана шу сабабли ҳам ҳозирги пайтда Ўзбекистон ва Ўрта Осийдаги бошқа республикаларда қўлёзма ёдгорликлар маданий мероснинг муҳим бир қисми сифатида умуммиллий эъзоз-эҳтиромга лойиқ экани ва ниҳоятда диққат-эътибор билан ўрганилаётгани табиий ҳолдир.

Адабий асарлар қандай материалга ёзилгани тўғрисидаги асл манбалар бўйича фикр юритиш қийин, тасодифан ва камдан-кам учрайдиган ёки бевосита маълумотлар эса бирдек қийматга эга эмас, чунки бир хил атамаларнинг (варақ, қиртас, тумор) ўзи турли даврларда хилма-хил материалларга нисбатан қўлланган. Нисбатан арзон ва юқори сифатли ёзув материалли кенг ишлаб чиқарила бошланиши қўлёзма китоблар кўплаб пайдо бўлишига ҳамда пировард оқибатда адабиёт билан илм-фан гуркираб ривожланишига олиб келди. Қўлёзма китоб яратиш учун зарур бўлган ёзув ашёлари орасида қалам (учи ўткирланган ясси тахтача, қуш пати, пальма шохчаси) биринчи ўринда турарди. Яна давот-қаламдон ва сиёхнинг сифатига талаб қатъий, муҳим омиллардан эди. XV асрдан бошлаб Ўрта Осий, Эрон, Афғонистон, Туркия ва Ҳиндистон олимлари хаттотлик, миниатюра санъати, бадий безак тарихи ва назарияси бўйича кўплаб рисолалар ёзишди. Мир Али Табризий, Султон Али Машҳадий, қози Аҳмад ибн Мунший ал-Ҳусайн ва бошқаларнинг асарларида айрим мусаввирларнинг ҳаёти ҳамда ижодий фаолияти ва хаттотлик назариясига оид баъзи мулоҳазалар келтирилган.

Маълумки, безакли қўлёзма бир қатор усталар – хаттот, наққош, музаҳҳиб (зарҳал берувчи), мусаввир ва саҳҳофнинг ҳамкорлигидаги ижоди маҳсулидир.

Хаттотлар султони Султон Али Машҳадий миниатюра санъати бўйича, Ҳирот мактабининг асосчиси Камолиддин Бехзод ва китоб безагининг машҳур устаси наққош Мавлоно Ёрий Музаҳҳиб безакли китобнинг шохона намуналарини яратган юзлаб усталарнинг мураббийлари эди. Ҳар бир безакли қўлёзма бетакрор санъат асарига айланиб кетган.

Султон Ҳусайн Бойқаронинг сарой кутубхонасида буюк мусаввирлардан Камолиддин Бехзод, Мирак Наққош, Қосим Али Маҳмуд Музаҳҳиб, Шох Музаффар, Султон Муҳаммад, Дўст Муҳаммад, Абдураззоқ, хаттотлардан Султонали Машҳадий, Муҳаммад ибн Нур, Дарвеш Муҳаммад

Тақий, Муҳаммад Хандон, Муҳаммад ибн Асхар, Шерали ва бошқалар ишлаган.

Умуман, теурийлар даври қўлёзмаларини безак хусусиятлари бўйича учта асосий гуруҳга бўлиш мумкин.

1. *Миниатюралар билан безатилган қўлёзмалар.*

2. *Миниатюраларсиз, асосан нақиллар билан.*

3. *Қиймати хаттотлар санъати билан белгиладиган қўлёзмалар.*

I Хуснихат – безакли қўлёзманинг асосий хусусияти бўлган. Китобнинг асосий матни учун унинг мазмуни ҳамда вазифасидан келиб чиққан ҳолда араб хатларининг тури танланган.

II. Китоб матнини жойлаштиришга бадий безакнинг энг муҳим омилларидан бири деб қаралган.

III. Матн нақшланиши асосан унвонлар ва сарлавҳаларда ҳарфлар зарҳал ва рангли чизиқлар билан ўраб олинган шаклда учрайди.

IV. Фронтиспис – безакнинг асосий унсурларидан бири сифатида безакли қўлёзма таркибига киради.

V Лавҳа – фронтисписга нисбатан кичикроқ ўлчамда, лекин анча кўпроқ учрайдиган безак.

XV аср китоб наққошлиги ўзининг нозик гуллари, чексиз давом этувчи нақшлари ёрқин ранглариининг нафис уйғунлигида аввалги асрларнинг энг яхши анъаналарини ривожлантириш орқали санъатнинг юксак даражада тараққий этган жанрига айланди, теран халқчилликни ва бадий камолот чўққисини акс эттирди.

Савол ва топшириқлар

1. Ўрта Осиёда дастлабки бадий безак намуналари.
2. Бадий безак санъат намунаси эканлигига мисоллар келтиринг.
3. Машҳур хаттот, хуснихат соҳиблари ва мусаввирлар ҳақида маълумот беринг.
4. Бадий безак ва миниатюра ҳақида нималарни биласиз?

ЭСКИ ЎЗБЕК ЁЗУВИНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ (1 соат)

Навоийми ёки Навоий? Ёхуд эски ўзбек ёзувини ўрганиш масаласи.

Ёзув инсоният тафаккури яратган маънавий бойликларни асрлардан асрларга авлодлардан авлодларга етказувчи бебаҳо восита. У инсоннинг энг олий кашфиётларидан бири.

Ўрта Осиё халқлари ўз тарихи мобайнида турк-руний, хоразм, ўрхун-енисей, қушон, уйғур, араб ёзувларидан фойдаланиб келган. Маълумки, VII асрдан бошлаб араблар Ўрта Осиё ва Кавказ бўйлаб Ислом динини тарғиб қила бошладилар. Тез фурсат ичида араблар ўз тили, ёзуви ва маданиятини, урф-одатини, маҳаллий халқларга сингдиришга ҳаракат қилдилар. Шу тариқа бу ўлкаларда араб алифбоси асосий ёзувга айланди. Фан ва маданият, адабиёт ва санъат, ўқиш ва ўқитиш ишлари араб ёзуви ва тили негизида амалга оширила бошлади.

Энг нодир асарлар, қўлёмалар, рисолаю тўпламлар, буюк мутафак-кирларимизнинг турли соҳаларга оид илмий асарлари дастлаб араб, форс ҳамда туркий тилда бўлса-да, ана шу араб ёзувида битилди. XX асрнинг бошларида эски ўзбек ёзувини дастлаб ислох қилишди, кейинчалик бутунлай воз кечиб аввал лотин, кейин кирилл ёзувиغا ўтказилди. Натижада ўзбек халқи кўп нарсадан ажралди. Масалан, эски ўзбек ёзувини билмаслик натижасида минг-минг нусхадаги қўлёмалар, нодир асарлардан баҳраманд бўла олмадилар. Эски ўзбек ёзувидаги асарлардани ҳозирги ёзувга ўгиришда ҳам шу сабабларга кўра турли муаммолар вужудга келди. Оддий бир мисол: буюк адибимиз таҳаллуси ҳақидаги мунозаралар. "Навойи" таҳаллусининг бадний маъно миқёслари ва имлосига доир.

Улуғ Алишер Навойи матн ва матншуносларни "сўз маҳзанининг ҳазинадори" деб атаган эди. Бундан англаш мумкинки, бадний асар матнлари сўз ҳазиналаридир. Албатта, луғат ҳам сўз ҳазинаси. Лекин бадний матн тирик, ҳаракатдаги мудом ишлаб турувчи ҳазинадир. Унинг иш кучидан қандай фойдаланиш матншунос ва матншуносликнинг савиясига боғлиқ.

Мустақил Ўзбекистоннинг ҳурфикр миллий истиқлол мафкураси маданий меросни, шу жумладан, Алишер Навойи ижодиётини қайта ўрганиш, қайта баҳолаш имкониятларини очиб берди. Бу жараён яралган имкониятдан оқилона фойдаланишни, муҳим илмий-амалий ишлар қилишни тақозо этади. Аввало, бунда адабиётимизнинг энг йирик сиймоси таҳаллусини аслидагидай тўғри ёзишни ўйлаб кўриб, қатъий ва илмий тўхтамга келиш керак.

Низомиддин Мир Алишер Навойи таҳаллусининг, аслида, "Навойи" эмас, "Навойи" ёзилиши тўғрисидаги муаммо энди кўтарилаётгани йўқ. "Навойи" ёзилиши тўғрилиги жамоатчилик орасида, матбуот саҳифаларида ва айрим манбаларда тан олинган, ошқора эътироф этилган, ҳақиқат. Масалан, профессор Хамид Сулаймон 1977 йили "Адабий мерос"нинг тўққизинчи сонида "Алишер Навойи номининг ёзилиш шакллари ва имлоси ҳақидаги мақоласи масаласига манбашунос сифатида ёндошиб, уни тўғри ҳал этган эди. Хамид Сулаймон мақоласида ушбу ғалати машҳур хатонинг келиб чиқиш тарихи шундай ёритилган:

"1937 йилдан бошлаб, 40 йилдан буён "Навойи" таҳаллуси "наво" "نَوُو"

сўзига қўшилган икки "ё" "ي" ҳарфидан ташкил топган ёки нисбат

"ий" "ي"нинг ҳозирги ўзбек графикасида нотўғри "ий" шаклида ёзилиши қатъий қоида тусига кириб қолган. А. Навойининг 500 йиллик юбилейига тайёргарлик бошланган 1930 йилларда ўша йиллардаги имло қоидаларига сунъий равишда мослаштириш ("ий" ва "ий"ни фақат бир формада – "ий" билан) ёки айрим қусурли қўлёмаларда " ҳамза ە "

орқали ёзилган нусхаларга таяниш туфайли бўлса керак, шоир тахаллусини "Навойи" шаклида ёзиш одат тусига кириб борди".

Олимнинг чуқур текшириши натижаси, ишончли хулосасига кўра: "Ҳозирги ёзувимизда "Навойи" вариантини қабул қилишимиз ҳам имло, ҳам талаффуз, ҳам тарихий жиҳатдан тўғри бўлади.

Тахаллус ва нисбатлар сўз ундош ҳарфлар билан тугалланганда "ий", унли ҳарфлар билан тугалланганда "йи" аффикслари билан ясалиши ўзбек тили тарихий грамматикаси ва фонетикаси учун қонуний ҳолат экан, шоир тахаллусини биз ҳам эски ёзувда аслига мувофиқ "и", ҳозирги графикамизда эса "Навойи" ёзиш қоидасини қабул қилмоғимиз керак"... Афсуски, бу тадқиқот ҳаётий акс салосига, амалий татбиқига эришади. Йиллар ўтди...

Профессор А. Ҳайитметов "Мерос ва ихлос" китобидаги "Текстологик хато – бош хато" сарлавҳали мақоласида тахаллуслар имлоси масаласини кўтарди ва мазкур муаммога ижобий муносабат билдирди: "Навойи тахаллуси ҳам аслида "Навойи" деб ёзилиши ва ўқилиши керак. Чунки улуғ шоир тахаллуси қўлёзмаларда шу хилда ёзилган. Масалан, Хусайний "Ғам эма, маҳзун кўнгилли, дилрабойнинг келгуси" деб бошланган ғазалида шоир номини ишрат физойинг", "хумойинг", "раҳнамойинг", "ойинг" каби сўзларга қофия қилади:

*Эй, Хусайний, қилмагил ишрат Навосинким, букув
Ким, гулистони нишотингда Навойинг келгуси.*

"Навойи" деб ёзиш шоир шеърларини вази назаридан тўғри ўқишни ҳам қийинлаштиради".

Лекин олим бу фикрни қатъийан олға сурмади, "Навойи" тахаллуси ҳам "Навойи" деб ўқилса-да, ёзувда "Навойи" шаклида ёзилиши мумкин" деб хулосалади.

Нусратулло Атоулло ўғли Жумаҳўжа эса "Навойи" шаклини инкор этиб, "Навойи" деб ёзиш учун етарли асослар борлигини таъкидлади ва уларни кўрсатиб берди.

1. Адабий тахаллус халқнинг миллий, маданий лисоний бойлиги ҳисобланади ва унинг қисмати ҳуқуқий жиҳатдан ўша халқнинг тили қонун-қоидалари муҳофазасидадир. Масалага Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақидаги қонуни талабларига мувофиқ ёндашсак, тарихий исмлар, маданий обидалар, асарлар номлари, адабий тахаллуслар ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари, миллий тарихий ағбаналарга мувофиқлаштириб, аслидагидек ёзилади. Бу қонун, бевосита, Навойи ва бошқа мумтоз адибларимиз тахаллусларига ҳам тегишли.

2. Эски ўзбек ёзувида тахаллус "نَوای" тарзида ёзилади. نَوای тарзида "хамза" билан ёзилиши айрим ҳоллардагина учрайди. "Хамза" белгисидан "Навойи" ёзилганлиги англашилмайди.

"Наво" сўзи унли билан тугаллангани учун "ё" – йи нисбат олдидан яна бир "ё" орттирилган ва ёзувда иккита "ی" ёнма-ён тушиб қолган. Имло қоида­сига мувофиқ, шу икки "ё"дан бири "хамза" орқали қисқартириб ифодаланган.

Академик Алибек Рустамов тахаллуснинг тамоман янги бир шаклини тавсия этади. Устознинг фикрларига кўра, "тахаллус" асли "Навойий"дир.

Чунки نوايى даги иккита "ё" иккита "й"ни, зер "и"ни билдиради".

Эҳтимол, бу фикрни назарий жиҳатдан асослаш мумкиндир. Лекин амалда бирор қўлёзма манбада тахаллус кўшимчасининг суқун ва зер билан ёзилган шаклини учратмаймиз.

3. Тарихий қўлёзма ва босма манбаларда ҳам "Навойи" шакли қўллаб келинган. Масалан, Лондондаги Британия музейида сақланаётган Навойининг биринчи расмий девони – "Бадойиъ ул-бидоя" нинг 1482-1483 йилда кўчирилган нусхасида ҳам Навойи тарзида берилган. Аслиятга энг яқин манбалар – шоирнинг ўз дастхати, деб тан олинган қўлёзма девонида ва унинг Навойи тирикчилигида (1466 йил) Султонани "Машҳадий томонидан кўчирилган "Йлк девон"ида ҳам тахаллус "Навойи" тарзида қўлланган.

Шоир тахаллусининг "Навойи" шакли ўзбек тилининг талаффуз талабларига тўғри келмайди. Ўзбек тили талаффузи табиатига "Навойи"даги сингари икки унли ёнма-ён келиши хос эмас.

5. Тахаллуснинг "Навойи" шакли – сунъий ва китобий. Шунинг учун ҳам шоир тахаллусини китобдан ўзлаштирган ўқимишли кишилар уни "Навойи" тарзида бемалол талаффуз қиладилар. Китобшга суянмаган оддий халқ вакилларининг эса бундай талаффузга тиллари қовушмайди.

6. Туркий тилда сўзлашувчи қардош халқлар ва бошқа эллар, жумладан, тожиклар шоир таваллуд топган тупроқда истиқомат қилувчи Афғонистон ўзбеклари, афғонлар ҳам Низомиддин Алишерни "Навойи" деб улуғлайдилар. Бобокалонларимиз Навойи тахаллусини айтиш ва ёзишда биз унинг ворислари мустамлакачилик мафкураси ҳукмронлиги даврида наинки туркийлар, балки бутун дунёга қарши мавқеда турдик.

7. Тахаллуснинг "Навойи" имлосини шоир асарларининг бадиияти қонунлари, жумладан, вазн тақозо этади. Масалан:

*Дедим: "Эрур Навойи ўз дардига чорасиз", деди:
"Гар аламинга чора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай".*

Бу мисрада "Навойи" шаклида кўпроқ вазн оҳангдорлиги ошади, ритм бузилмайди.

8. Қофия қонуниятлари ҳам тахаллуснинг "Навойи" шаклида ёзилишини тақозо қилади. "Бадойиъ ул-бидоя" девони дебوحасида ёрқин далил учрайди:

*"Вафо бўстонининг дoston саройи
Маломат булбули, яъни Навойи".*

Олим яна бир неча асосли сабабларни келтириб, "Навойи" тахаллуси тўғри эканлигини исботлайди. Аслиятда классик ўзбек ёзувида унли билан тугалланган тахаллуслар ҳам, ундош билан тугаган тахаллуслар ҳам бир хилда – йо ҳарфи билан яқунланган Демак, тахаллуслар имлосидаги чалкашликлар ҳам араб алифбосидан воз кечиб, аввал лотин, кейинчалик қиррил алифбосига ўтганимиз тарихига бориб тақалади. Биргина тахал-

дуслар имлоси муаммоси ҳам минг йиллик маданий мос аслиятини тиклаш ва ундан тўғри тўлик баҳраманд бўлиш учун эски ўзбек ёзувини сақлаб қолишимизни тақозо этади. Тожик халқи ҳозирги имлосида ҳам классиклари таҳаллусларини тўғри ақс эттиришга имкон топган. Уларда таҳаллус қўшимчалари биргина "й" ҳарфи орқали бир хилда ифодаланади. Биз ҳам, классик ўзбек ёзувига қайтганимиз тақдирда ҳам таҳаллусларнинг тўғри имлосига йўл топишимиз зарур.

Бунинг учун, аввало, эски ўзбек ёзувини ўрганиш ўрта ва олий таълим дастурларида доимий равишда сақланиши зарур. Чунки эски ўзбек ёзувини билмасак, маданий меросни ўргана олмаймиз. Араб ҳарфларининг турфа шакларини, сўзларнинг шаклий ва маънавий товланишларини ўзлаштирмасак, Шарқ баднийати илмидаги ҳарфий, лафзий, маънавий санъатлар сеҳридан беҳабар қоламиз. Натижада классик меросимизни чала ва юзақи ўрганаемиз. Навойининг "Жон"им доғи "жим" икки "дол" ингга фидо" бошланмали рубойисидан эски ўзбек ёзувини билмайдиган киши аниқ бирор нарса тушуна олмайди. Ундаги маънолар олами, завқ-шавқ ҳарфий санъат замирига яширинган. Бахтимизга, маданий меросимизнинг сақланиб қолган қисми тобора тўлиқроқ нашр этилиб, халққа қайтарилмоқда. Аммо улар жамоатчиликка ҳозирги ўзбек имлосида тақдим қилинади, истаимизми истамаймизми, ҳозирги имло эски ўзбек ёзувида яратилган мерос мазмунини тўла ақс эттиришга қодир эмас. Ҳозирги имлога кўчириш жараёнида жуда кўп нарса қурбон қилинди.

Мазкур масала илмда ҳали ўрганилмаган ва махсус тадқиқотлар тақозо этади. Бу масалаларни ечиш учун матншунослик ҳайъати тузилиши керак. Классик матнга оид имло қоидаларини мана шу ҳайъат имло ҳайъати билан биргаликда яратиши лозим. Чунки ҳозирги шароитда тил илминини мукаммал ўзлаштирган матншуносларимиз ҳамда классик адабиётни мукаммал даражада биладиган тилшуносларимиз қолмади.

Имло ва тиниш белгилари қоидаларида классик асарлар имлосига доир махсус қоидалар мажмуасини яратиш зарур. Бу имло қоидаларини яратишда эса изофа, тиниш белгилари, удалма имлоларидаги талай чалқашликларни ҳисобга олиш, улар ҳақида бир тўхтамаг келиш зарур.

Она тилимиз мулкани истиқлолий имкониятлар кенглигида муҳофазга этиш, ундан тўла ва тўғри фойдаланишга эришиш барчамизнинг масъулияти вазифамиздир.

Савол ва топшириқлар

1. Ёзув ва имло тушунчаси нима?
2. Таҳаллуслар имлоси ҳақида маълумот беринг.
3. Мумтоз адабий таҳаллуслар имлоси ва шарҳи хусусида сўзлаб беринг.
4. Таҳаллуслар бадний санъат бўлиб келишига мисоллар келтиринг.

АБЖАД ҲИСОБИ (1 соат)

Араб ҳарфлари шеърӣ санъат, тарихий ёдгорликлар, улкан иморатлар учун нақш, безак вазифасини бажарган. Аждодларимиз шу билан чеklangан, улардан рақам сифатида ҳам фойдаланганлар. Грамматика ва дарсликларда абжад ҳисоби деб аталадиган термин ана шу билан боғлиқ.

Хуш, абжад ҳисоби деб нимага айтилади? Сон тушунчасини ҳарфлар билан ифода этишга абжад ҳисоби дейилади. Одатда, жамият ҳаётида содир бўлган буюк воқеалар – уруш, исён кўзғолонлар рӯй берган вақт иншоотлар, тарихий обидаларнинг қурилган, машҳур шахсларнинг туғилган йиллари шунингдек, асарларнинг ёзилган ва кўчирилган вақтлари абжад ҳисоби билан берилган. Бу ҳисоб усулининг абжад деб аталишининг махсус бир маъноси йўқ. У абжад ҳисобидаги саккизта сўзнинг (абжад, ҳавваз, хутти, каламан, саъфас, қарашат, саҳхаз, зағ) биринчиси бўлганлиги сабабли, бу система шу атама билан юритилади. Абжад ҳисобининг моҳияти шундан иборатки, ҳар бир ҳарф муайян бир рақамни ифода этади.

Абжад ҳисобини келтириб чиқариш учун аввало, китоб муаллифи ёки ҳаттот томонидан ёзувда алоҳида қайд этилган (ёки таги қизиб қўйилган) сўзни топамиз. Уни ташкил этган ҳарфларнинг ифода этувчи рақамларини абжад ҳисоби жадвалидан қараймиз ва ўша рақамларни қўшамиз. Ана шу йиғинди орқали ҳаттот изоҳига биноан бирон асарнинг ёки тарихий шахснинг дунёга келган вақтини аниқлаб оламиз.


Мисол учун Алишер Навоийнинг "Маҳбул-қулуб" асарини ёзган вақти ҳақида қуйидаги тарихни битган:

*Бу номаким лисоним ўлди ҳойл,
Кимким тили ҳар навъ эл ишига майл
Тарихи "хуш" лафзидин ўлди ҳосил
Ҳар ким ўқуса илоҳи бўлгай хушдил.*

Асарнинг ёзилиши тарихи خوش (хуш) сўзидан иборат бўлиб, ҳарфлар сон қийматини жамласак, خ - 600, و - 6, ش - 300 бўлиб, 906-1500 ҳосил бўлади.

Ҳижрий 1303 (1885) йили Андижонда қаттиқ зилзила бўлиб, шоир Нурий бу муҳиш воқеага шундай тарих битган экан:

*Сан ўзинг тўхтамасанг тинмас бу ер лайлу наҳор
Бу қазога рози бўлмайд бандада на ихтиёр.
Кун тулуши ями сешанба эди зиё мушкиноб,
Бўлди "гарқаб" Андижон вақлоу аламатидор.*



Охирги мисрадаги "гаркоб" сўзи тарих бўлиб, хижрий ҳарфларнинг сон қиймати жамланса, 1303 санаси ҳосил бўлади.

Шу ўринда абжад ҳисобидаги ҳарфларнинг сон қийматини айтиб ўтишни жоиз топдик.

1 - 1 б - 2 ج - 3 د - 4 ه - 5

و - 6 ز - 7 ح - 8 ط - 9 ي - 10

ك - 20 ل - 30 م - 40 ن - 50 س - 60

ع - 70 ف - 80 ص - 90 ق - 100 ر - 200

ش - 300 ت - 400 ث - 500 خ - 600 ذ - 700

ض - 800 ظ - 900 غ - 1000

Яна бир нарса борки, агар араб алифбосида мавжуд бўлмаган, форслар томонидан киритилган ҳарфлар биз абжад ҳисобини чиқармоқчи бўлган сўзда учраб қолса, нима қилиш мумкин?

Ундай ҳолда ўша ҳарфларга талаффуз жиҳатидан яқин бўлган товушларнинг миқдорий белгиларини қўйиш ҳамда қўшиш орқали абжад ҳисобини келтириб чиқарамиз.

Масалан, *مژگان* – мужгон сўзидан абжад ҳисобини қандай чиқариш мумкин?

Абжад жадвалига мувофиқ мим 40 га (араб алфавитида же ҳарфи бўлмагани учун унга шаклдош бўлган зе ҳарфининг рақам белгиси олинади) зе – 7 га, коф (гоф) – 20 га, алиф – 1 га, нун – 50 га тенг.

Демак, биз аниқламоқчи бўлган сўз абжад ҳисоби бўйича 118 хижрий-қамарий йилига тўғри келар экан.

Шуни ҳам эслатиш керакки, баъзи ҳолларда абжад ҳисобини келтириб чиқаришимиз лозим бўлган сўзда не ҳарфи иштирок этса, у билан оҳангдош бўлган бе ҳарфининг миқдорий белгиси олинади. Чим ҳарфининг эса жим миқдорий белгиси олинади.

Хуллас, эски қўлёзма манбаларнинг ёзилган ва кўчирилган йилларини тўғри аниқлаш учун абжад ҳисобидан бохабар бўлиш лозим.

Савол ва топшириқлар

1. Ҳарфлардан рақамлар келтириб чиқаринг.
2. Рақамлардан ҳарфлар ҳосил қилинг.
3. Бирлик, ўнлик, юзлик ва минглик рақамли ҳарфларни алоҳида тўпланг.
4. Рақамлардан сўзлар ҳосил қилинг.
5. Абжад ҳисоби 8 та шакл-сўзни ёд олинг.

МУЧАЛ ХИСОБИ ҲАҚИДА ТУШУНЧА (1 соат)

Аждодларимиз араб истилосига қадар ўзларининг йил ҳисобларига эга бўлганлар. Мучал ҳисоби билан юритилувчи йил ҳисоби ана шулардан бири. Мучал ҳақида маълумот жуда кўп манбаларда, жумладан, Берунийнинг "Осор ул-боқия" ҳамда Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону лухатит-турк" асарларида ҳам батафсил берилган.

Маҳмуд Қошғарийнинг мучал ҳисобининг туркий версияси ҳақидаги фикрлари қизиқарлидир.

Кўйида унинг фикрларини келтирамиз: "Турклар ўн икки хил ҳайвон исмини ўн икки йилга от қўйганлар. Туғилиш, жанг тарихлари ва бошқаларни ана шу йиллар айланишидан ҳисоблайдилар.

Маҳмуд Қошғарийнинг мучал ҳисобининг келиб чиқиши шундай: турк ҳоқонларидан бири ўзидан бир неча йил олдин бўлиб ўтган урушни ўрганмоқчи бўлган, шунда у уруш бўлиб ўтган йилни аниқлашда янглишган. Бу масала юзасидан ҳоқон қавми билан кенгашиди ва айтиди: "Биз бу тарихни аниқлашда қанчалик янглишган бўлсак, биздан кейин ҳам шундай янглишадилар. Шундай бўлгач, биз энди ўн икки ой ва осмонданги ўн икки буржга асосланиб, ўн икки йилга от қўйишимиз керак. Токи биздан кейин йил ҳисоби шу йилларнинг айланишига қараб олинсин ва бу нарса абадий бир ёдгорлик бўлиб қолсин". Улар "айтганингиздек бўлсин" дейишди.

Ҳоқон овга чикди ва одамларга ваҳший ҳайвонларни Ила дарёси томон қувишни буюрди, бу жуда катта сув. Одамлар ов қилиб ҳайвонларни сув томон ҳайдай бошладилар. Шунда ўн икки ҳайвон сувдан ўтди. Ўн икки йилни ана шу ўн икки ҳайвон исми билан атадилар. Энг олдин сувдан ўтган ҳайвон сичқон бўлди. Шунинг учун йил боши унинг номи билан атади, шу сўзга йил қўшиб, сичқон йили деб атадилар. Ундан кейин ўтганларни қўйидаги тартибда бўлди:

уд (*сигир*) йили, барс (*йўлбарс*), товушқон (*қуён*), нак (*тимсоҳ*), йилон (*илон*), йўнд (*от*), қўй йили, бижин (*маймун*), тақагу (*товуқ*), ит йили, тўнғиз йили

Тўнғизга етгандан кейин ҳисоб яна сичқондан бошланади. ... Турклар бу йилларнинг ҳар қайсисида бирор ҳикмат бор деб тахмин қиладилар. Масалан, уларда сигир йили бўлса, уруш кўп бўлади, чунки сигир бири бири билан сузишадиган ҳайвон. Товуқ йили кирса, озик-овқат кўпаяди, лекин одамларда ташвиш кўпаяди. Чунки товуқнинг овқати дон бўлиб, уни топиб ейиш учун нарсаларни титиб юради. Тимсоҳ (илон) кирса, ёғингарчилик ва ҳосил кўп бўлади. Чунки у сувда яшайди. Шунга ўхшаш ҳар йилга бирор тахмин юритадилар.

Туркларда ҳафтадаги етти куннинг исми йўқ, чунки ҳафта Исломдан сўнг шуҳратланди. Шунга ўхшаш ой исмлари ҳам шаҳарларда арабча юритилади. Кўчманчи ва мусулмон бўлмаган турклар ойлари тўрт фасл билан атайдилар. Ҳар уч ойни бир исм билан юритадилар. Йил ўтишини шундай биладилар. Масалан, Наврўз янги кундан кейинги аввал баҳорга ўғлок ой, сўнгра улух ўғлок ой дердилар. чунки ой бу вақтда

катта бўлиб қолади. Бундан кейингисига улуғ ой дейилади. Чунки бу ой ёзнинг ўртасида бўлиб, бу вақтда суг ва неъматлар мўл-кўл бўлади. Бу исмлар кам бўлгани учун ҳаммасини айтишни муносиб кўрмадик.

Мучал йили ҳисоби узоқ даврлардан бери мўғул, хитой, ўзбек, қозок, уйгур, туркман ва Осиёнинг бошқа халқлари ўртасида қўлланиб келади. Мучал йили 22 мартдан бошланади. Киши туғилган йилини мучал йили билан ҳисоблаши учун қандай амалларни бажариши керак? Бунинг учун туғилган йилга 9 рақами қўшилади ва ҳосил бўлган йиғинди 12 га бўлинади. Қолдиқ сони мучал йили сони бўлади. масалан, бир киши 1960 йилда туғилган бўлса, бу мучал ҳисобининг қайси йилга тўғри келади: $1960 \div 9 = 217$; $1969 : 12 = 164$. қолдиқ – 1.

Демак, у киши мучал ҳисоби билан сичқон йилида туғилган.

Савол ва топшириқлар

1. Мучал ҳисоби ҳақида биланларингизни сўзлаб беринг.
2. Мучал атамаларининг тўлиқ арабий, форсий, туркий жадвалини тузинг.
3. Асл туркий мучал тарихига оид илмий адабиётлар номини келтиринг.
4. Мучал йилининг халқ орасидаги тахминий ҳикматлари хусусида сўзлаб беринг.

II. АМАЛИЙ САВОД ЎРГАТИШ ВА ЎҚИШ

ЭСКИ ЎЗБЕК ЁЗУВИ (1 соат)

Араб ёзуви асосидаги эски ўзбек ёзуви ўнг томондан чапга қараб ёзилади ва бўғин кўчирилмайди. Харфларнинг босма ва ёзма шакллари ўртасида фарқ йўқ.

Эски ўзбек ёзувини ҳосил қилувчи шакллар

Ушбу шакллар алифбонинг 32 харфларини ҳосил қилишда муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчи аввало ушбу шаклларни машқ қилиши, кўлини ўргатиши, шу маънода шакллар билан тўлиқ танишиши назарда тутилди. Булар куйидагилар:

ا ب ح د ر س ص ط ع
ف (ق) ك ل م (ن) و ه ي

Эски ўзбек ёзуви алитфбосининг алоҳида шакллари

Юқориди келтирилган шакллар асосида ушбу 28+4 та харф белгилари остига, устига нукталар қўйиш асосида ҳосил қилиндиган. Булар куйидаги харфий белгилардан иборат:

ا ب پ ت ث ج چ ح
خ د ذ ر ز ژ س ش
ص ض ط ظ ع غ ف ق
ك گ ل م ن و ه ي

Бу ёзувда катта ва кичик харфлар бўлмайди. Араб ёзувида 28 та харф бор. Эски ўзбек ёзувида эса унга 4 та харф (пе, ни, че, гоф) қўшилган. 32 та харфнинг 25 таси 4 кўринишга эга бўлиб, ўзидан олдинги ва кейинги харфларга боғланиб ёзилади. Етти харф эса, икки кўринишли бўлиб, ўзидан олдиниги харфларга қўшилади, холос. Ҳеч вақт ўзидан кейинги харфларга боғланмайди. Бу харфларни ўнг томони билан боғланадиган ёки бир томони билан қўшиладиган, шунингдек, узук харфлар деб ҳам аталади. Демак, харфлар бир-бирига қўшилиш, қўшилмаслигига қараб икки хилдир.

1. Ўзидан олдиниги ва кейингиларига қўшилиб ёзиладиган харфлар (мутгасил харфлар)

2. Ўзидан олдингисига қўшилиб, кейингисига қўшилмайдиган харфлар (Мунфасил)

Ҳарфларнинг баландлиги одатда биринчи ҳарф алифнинг баландлигига нисбатан олинади. Алиф ҳарфининг бўйи икки катак қилиб олинади. Ҳарфларнинг бир қисми алиф ёзилган сатрнинг устига ёзилса, баъзилари эса, ана шу сатр чизиғидан пастга тушиб туради. Араб ёзувини катак дафтарига ёзиб ўрганиш осон бўлгани учун мазкур ёзувини ўрганувчиларга ҳам, катак дафтар тутиш маслаҳат берилади.

Қуйидаги ҳарфларнинг юқори қисми ёзилган сатрга, пастки қисми эса ана шу сатр чизиғидан пастга ёзилади.

ا ر ز ژ چ خ ج س ش ص ض ع غ ق م

Қуйидаги ҳарфларнинг баландлиги бир катак бўлади.

ا د ذ ه ي ن ف

Қуйидаги ҳарфлар алиф ёзилган сатрнинг устига ёзилади.

ا ب ت ث ب

Қуйидаги ҳарфларнинг бўйлари алифга нисбатан шундай ёзилади.

ا ل ك ط ظ

Эски ўзбек ёзуви алифбоси

Харфлар-нинг ифодаланиши	Сўз охирида	Сўз ўртасида	Сўз бошида	Алоҳида ҳолатда	Харфлар-нинг номланиши
а, и, у	ا	ا	ا	ا	алиф
б	ب	ب	ب	ب	бе
п	پ	پ	پ	پ	пе
т	ت	ت	ت	ت	те
с	ث	ث	ث	ث	се
ж	ج	ج	ج	ج	жим
ч	چ	چ	چ	چ	чим
х	ح	ح	ح	ح	хе
х	خ	خ	خ	خ	х
д	د	د	د	د	дол
з	ذ	ذ	ذ	ذ	зол
р	ر	ر	ر	ر	ре
з	ز	ز	ز	ز	зе
ж	ژ	ژ	ژ	ژ	же
с	س	س	س	س	син
ш	ش	ش	ش	ش	шин
с	ص	ص	ص	ص	сод
з	ض	ض	ض	ض	зод
т	ط	ط	ط	ط	то
з	ظ	ظ	ظ	ظ	зо
ъа	ع	ع	ع	ع	айн
ғ	غ	غ	غ	غ	ғайн
ф	ف	ف	ف	ف	фе
қ	ق	ق	ق	ق	қоф
к	ك	ك	ك	ك	коф
г	گ	گ	گ	گ	гоф
л	ل	ل	ل	ل	лом
м	م	م	م	م	мим
н	ن	ن	ن	ن	нун
в	و	و	و	و	вов
ҳ	ه	ه	ه	ه	ҳе
й	ي	ي	ي	ي	йо

Муттасил ҳарфлар 25 та улар 4 хил кўринишда ёзилади.

Харфлар-нинг ифодаланиши	Сўз охирида	Сўз ўртасида	Сўз бошида	Мустақил ҳолатда	Харфлар-нинг номланиши
Б	ب	ب	ب	ب	бе
П	پ	پ	پ	پ	пе
Т	ت	ت	ت	ت	те
С	ث	ث	ث	ث	се
Ж	ج	ج	ج	ج	жим
Ч	چ	چ	چ	چ	чим
Х	ح	ح	ح	ح	хойи хутти
Х	خ	خ	خ	خ	хе
С	س	س	س	س	син
Ш	ش	ش	ش	ش	шин
С	ص	ص	ص	ص	сод
З	ض	ض	ض	ض	зод
Т	ط	ط	ط	ط	то
З	ظ	ظ	ظ	ظ	зо
Ъ	ع	ع	ع	ع	айн
Ғ	غ	غ	غ	غ	ғайн
Ф	ف	ف	ف	ف	фе
Қ	ق	ق	ق	ق	коф
К	ك	ك	ك	ك	коф
Г	گ	گ	گ	گ	гоф

Л	ل	ل	ل	ل	лом
М	م	م	م	م	мим
Н	ن	ن	ن	ن	нун
Х (А)	ه	ه	ه	ه	ҳойи ҳавваз
Й (Э)	ي	ي	ي	ي	Йо

Мунфасил ҳарфлар 7 та, улар 2 хил кўринишда ёзилади.

Ҳарфлар ифода- ланган товушлар	Сўз ўртаси ва охирида	Мустақил ва сўз бошида	Ҳарфларнинг номланиши
А,О	ا	ا	алиф
Д	د	د	дол
З	ذ	ذ	зол
Р	ر	ر	ре
З	ز	ز	зе
Ж	ج	ج	же
В,У,Ў	و	و	вов

АЛИФ ХАРФИ (1 соат)

ا – Араб алифбосидаги энг биринчи харф. Алиф ўнг томондан (ўзидан олдин) келадиган харф билан қўшилади., ўзидан кейин келадиган харфга қўшилмайди. Шунинг учун ёзувда икки кўринишда акс этади.

Алоҳида

Боғланган ҳолда

ا – Алиф ёзувда а унлисини ифодалайди:

ана انا ака اكا

ا (алиф) сўз бошида мадда белгиси билан келганда (ا) о (унлиси) харфини ифодалайди. Сўз ўртаси ва охирида, асосан, мадда белгиси тушиб қолади. Лекин сўзнинг матний маъносига қараб о тарзида ўқилаверади:

ота انا бобо بابا

(алиф) сўз бошида келиб баъзан и, э, у, ў унли товушларни ифода-лашга хизмат қилади.

уч - اوج ўт - اوت ип - ايب эл - ايل

Алиф араб хатларининг турларига қараб чўзик ا, ёйсимон шаклида ёзилади. У ل (лом) харфига боғланиб келганда қия шаклда, сўл томонга оғдириб ёзилади.

лом алиф لا

Савол ва топшириқлар

1. Муттасил харфлар нима?
2. Мунфасил харфлар нима?
3. Мадд белгилли алиф харфини олти қатордан ёзинг.
4. Алиф харфининг лом харфига боғланган ҳолатини беш қатордан кўчириб ёзинг.

АТАМАЛАР

1. Мадада - ~ белгиси

"Мадада" арабча "чўзиш" деган маънони билдиради. Бу белги ! (алиф) устига кўйилиб, шу унлини "а" деб эмас, балки "о" деб ўқилишини таъминлайди.

от	ات
одоб	اداب
одам	ادم
осмон	اسمان
озод	ازاد

ИККИНЧИ ДАРС (2 соат)

б шаклидаги ҳарфлар. Бу типдаги ҳарфлар 4 та. Улар шаклан ўхшаш, лекин нукталарнинг ўрни ва миқдори билан фаркланиб турадилар.

1. **ب** (*бе*) араб алифбосидаги иккинчи ҳарф ўзбек тилидаги *б* портловчи ундошини ифодалайди. Ҳар иккала томондан келадиган ҳарфлар билан боғланади. 4 хил кўришинга эга.

Бе ҳарфида битта нукта бўлади ва у ҳарфнинг остига қўйилади. "*Бе*" сатр чизиғида ёзилади. Нуктасигина сатр чизиғидан пастга тушади.

Масалан, "бош" сўзини қандай ёзиш керак?

У учта ҳарф воситасида ифодаланadi:

ش, ب, ا (*бе*, алиф ва шин) ҳарфларининг боғланиши асосида ясалади.

бош - باش

Бе ҳарфининг сўзнинг турли ҳолатларида ёзилишига доир айрим ми-
соллар:

б 2. قبول қабул - رباب - рубоб - باتر - ботир - لب - лаб
(*ne*) ҳарфи форслар томонидан киритилган ҳарфларнинг биринчиси. Фарқи нуқтасининг учталлиги, остига қўйилиши. Она тилимиздаги *n* жангсиз ундошини ифодалайди. *Pe* ҳарфи сатр чизигидан пастга туширилади. Олдинига ёнма-ён икки нуқта қўйилиб, сўнгра уларнинг тагига битта нуқта қўйилади. () б

4 хил кўринишда ёзилади, яъни мутгасил ҳарфлар сирасига киради.

1. пода پاده 2. ипак اپك 3. сеп سېپ 4. қоп قاپ

Эслатма: Ёзма ёдгорликларнинг аксариятида *n* товуши иштирок этувчи сўзларда پ (*ne*) ҳарфи эмас, ب (*be*) ҳарфи ёзиб кетилиши кўзга ташланади.

3. ت (*te*) ҳарфи ўзбек тилидаги "т" товушига мувофиқ келади.

Мутгасил ҳарф 4 хил кўринишга эга. ت ت

Te ҳарфида нуқталар сони 2 та бўлиб, улар ҳарфнинг устига қўйилади.

тил تيل китоб كتاب онт انت

te ҳарфининг икки нуқтаси қўлёзмаларда кичик чизикча билан ҳам ифодалаб кетилаверади. ت

Баъзи манбаларда *te* ҳарфи сўз ўртасида келса, унинг нуқталари ёнма-ён эмас, балки устма-уст қўйиб кетилиши ҳам қўзатилади. كيتدى

4. ث (*ce*) ҳарфи арабча сўзларга хос. Тинч оралиги с товушини ифодалайди. Демак, ўзбек тилига фақат араб тилидан ўтган сўзлардагина учрайди. Мутгасил ҳарф. Тўрт хил кўринишга эга.

ث ث

Ce ҳарфида ҳам уч нуқта бор, лекин (*ne* ҳарфига зид ўлароқ), нуқталар ҳарфнинг устига қўйилади.

сабот ثبات наср نثر боис باعث масал مثل

Ce ҳарфининг уч нуқтаси қуйидагича ифодаланади.

ث ث ث ث ث

Савол ва топшириқлар

1. ب , پ , ت , ث харфларининг ҳар бир кўринишини 4 қатордан ёзинг.
2. Шу харфлар иштирок этган сўзлардан ҳар бир харфга 5 тадан мисол ёзинг.
3. *Те, бе, не, се* харфларнинг ўзаро боғланган ҳолда ёзиб машқ қилинг.
4. Алиф, бе, те харфларидан фойдаланиб, қандай сўз ва бўғинлар ясай оласиз?

Адабиётлар:

1. Р. Жуманиёзов. Эски ўзбек ёзуви. Т., 23-32-бетлар.
2. М. Қодиров. М. Ҳакимжонов. Алифбе 35-37-б, 24-25-бет, 101- 102-бет.
3. Учинчи (тўртинчи) синфлар дарслигидан

УЧИНЧИ ДАРС (1 соат)

ح шаклидаги харфлар. Бу типдаги харфлар ҳам тўртга бўлиб, шаклан ўхшаш, аммо нукталарнинг ўрни ва сони билан фарқланадилар.

1. ح (*жим*) ўзбек тилидаги Жўра, жун сўзларидаги ж харфига тўғри келади. Муттасил харф. Тўрт хил кўринишга эга.

ح ح

Мустақил ва сўз охиридаги шакллари сатр чизиғидан пастга тушириб ёзилади. Нуктаси харфининг ҳамма кўринишларида сатр чизиғининг пастига қўйилади.

Масалан:

жаҳон جهان , нажот نجات ганж كنج илож علاج

Босмада , дастхатда ёзилади.

2. ح (*жим*) араб алифбосига форслар томонидан қўшилган харфларнинг иккинчисидир. Ўзбек тилидаги ч харфига мос тушади. Муттасил харф. Тўрт хил ёзилиш шаклига эга.

ح ح

чол اماج омомо кич бағча жал

Чим харфининг нуқталарии дастхатда куйидагича шаклларда ҳам келди.

ح ح ح ح ح

Эски ўзбек имлосида چ (чим) жуда кам кўлланиб, унинг ўрнига, асосан, ح (жим) харфи ишлатилган, аксари ҳолларда мазмунга қараб ч ўқиладиган.

3. ح (ҳойи ҳуттий ёки ҳе) харфи ўзбек тилидаги ҳ товушига яқин келди. Бу харф фақат араб тилидан ўтган сўзларда учрайди. Иккала томондан келувчи харфларга қўшилиб ёзилади, яъни муттасил харф. Тўрт хил кўриниши мавжуд:

ح ح

Унинг шу типдаги харфлардан фарқи нуқтасининг йўклигидир. Сўз боши, сўз ўртасида сатр чизиғида мустақил, сўз охирида пастга тушириб ёзилади.

רוח سطح محرم ماхраم حاکم هوکیم

Кўлёмаларда ҳойи ҳуттий харфининг тағига куйидагидек белги ё қўйиб кетилди. Мазкур белги ҳойи ҳуттий харфининг ҳамма кўринишларда эмас, балки сўз бошида ҳамда сўз ўртасидаги шаклларида кўпроқ учраши кузатилади. "Майин", "юмшок" маъноларидаги "ҳилм" сўзининг ёзилишига диққат қилайлик: حلم. Ушбу харфнинг ана шу белгисидан беҳабар ўқувчи уни "чилиш" деб ўқиши, бу эса сўз маъносига путур етказиши мумкин.

4. ح (хе) харфи ўзбек тилидаги х товушини ифодалайди. Муттасил харф, тўрт хил кўринишга эга.

خ خ

تلخ بخت باخت خلق خالق

Хе харфининг ёзма, босма турлари орасида деярли фарқ йўқ. Бу харфнинг сўз охиридаги خ шаклини غ (ғойн) харфининг мустақил ҳолатдаги шаклига ўхшатиб ёзилади.

Қиёсланг: хе – خ / ғойн – غ

Энди "ханжар" сўзнинг ёзилишига диққат қилинг.

ханжар – خنجر

Савол ва топшириқлар

1. Ҳ шаклдаги ҳарфларнинг ҳар бир кўринишини олти қатордан ёзинг.

2. Ушбу бўғин ва сўзларни ўқинг ва кўчириб ёзинг.

خا, خاب, ابا, ختا, خب, باخ

تخت, بخت, بحث, خاجا

3. ح, ت, ب, ا, خ, ج (ҳойи хуттий) ҳарфлари билан боғланагн ҳолда бир нечта қатордан ёзиб чиқинг.

ТАЯНЧ АТАМАЛАР

1. Мугтасил ҳарфлар - 4 хил кўринишга эга ҳарфлар. Ўзидан кейинги ҳарфга ҳам кўшиб ёзиладиган ҳарф. М: حح Улар сони 25 та.

2. Мунфасил ҳарфлар – улар сони 7 та бўлиб, 2 хил кўринишга эга ҳарфлар.

Мисоллар: ا ا

Ўзидан кейинги ҳарфга қўшиладиган ҳарф.

ТҮҲТИНЧИ ДАРС (1 соат)

د (дол) ва ذ (зол) ҳарфлари د, ز, ҳарфлари د (дол) – эски ўзбек алифбосидаги ўнинчи ҳарф. Ўзбек тилидаги "д" товушини ифода этади. "Дол" фақат бир томдан кўшилиб ёзилувчи мунфасил ҳарфлар таркибига киради. Шунинг учун у 2 хил кўринишга эга.

улаганда د ва د алоҳида

Ўнг томондан келган ҳарфга қўшилиб, чап томондагисига қўшилмайди.

даст دست қадр قدر панд بند

Дол ҳарфининг сўз ўртаси ва охиридаги кўринишлари босма ва ёзма хат турида бир мунча фарқланади. Босма турда дол ҳарфининг устки қисми кўнрок эгик ҳолатда бўлади. Масалан: "далда" сўзининг босма ҳамда ёзма шакллари қиёсланг.

دلده далда دلده

Агар ўқувчи *د* (дол) нинг ёзилиш шакллари яхши билмаса, "далра" деб ўқиши ҳеч гап эмас. Дол ажралиб ёзилувчи ҳарф бўлса ҳам ҳаттотларнинг хошиш-истакларига қараб қондага хилоф равишда ўзидан кейинги келган ҳарфга қўшиб ёзилиши ҳам кузатилади.

дор دار давр دور

Ҳаттотлар аксарият ҳолларда дол ҳарфидан кейин "ҳойин ҳавваз" ҳарфи келса, қуйидагича тарзда қўшиб ёзганлар: бода باد

ذ (зол) ҳарфи ҳам ёзувда ифодаланиши жиҳатидан *د* (дол) га ўхшаш хусусиятларга эга.

Зол тиш оралиғида талаффуз қилинувчи товуш, у фақат араб тилидан кирган сўзларда учрайди. Ўзбек тилидаги *з* ҳарфига яқин келади. Мунфасил ҳарф.

сўз охири ذ сўз ўртасида ذ сўз боши ذ

зокир ذاكر мазкур مذکور

ر шаклидаги ҳарфлар учта. Улар шаклан ҳам ўхшаш, бироқ нукталарнинг ўрни ва миқдори билан фарқланадилар.

ر (*ре*) ҳарфи ўзбек тилидаги *р* товушини ифодалайди. Мунфасил ҳарф. Шунинг учун 2 хил кўринишга эга.

ر ر

Шу типдаги ҳарфлардан фарқи нуктаси йўқ. Ҳарфнинг маълум қисми сатр чизигидан пастга тушириб ёзилади.

рахм رحم асрор اسرار

Ёзма шаклда *ر* (*ре*) ҳарфи сўзнинг ўртаси ва охирида келса, ўзидан олдинги ҳарфдан пастга тушириб ёзилади. Боғланиш чизиги сезилмай кетади.

пар پر

2. *ز* (*зе*) ҳарфи ўзбек тилидаги *з* ҳарфини ифодалайди. *z(ze)* ўзига ўхшаш ҳарфлардан нуктасинини борлиги билан фаркланади. Мунфасил ҳарф. Икки хил кўринишга эга.

ز , ز

Сатр чизигидан пастга тушириб ёзилади.

Мисоллар:

забон *زبان* маҳзун *مخزون* полиз *باليز* овоз *اواز*

Қўлёзма китобларида *ze* ҳарфи ўзидан олдинги ҳарфга боғланиб келганда, кўпинча ўнг томонга сал оғдирилган алиф ҳарфига ўхшаб кетади.

Масаан, "жазо" сўзининг ёзилиш шаклини кўрайлик. *جزا*

3. *ز* (*же*) ҳарфи араб алифбосига форслар томонидан киритилган ҳарфларнинг учинчисидир. Ўзига ўхшаш ҳарфларнинг устига қўйилган 3 нуктаси билан фарқ қилади. Мунфасил ҳарф. икки хил кўринишга эга:

сўз ўртаси *ز* алоҳида *ز*

сўз охири *ز* сўз боши *ز*

Je журнал сўзидан *ж* товушига мос келади. Сатр чизигидан пастга тушириб ёзилади. Мисоллар:

аждар *ازدر* мужда *مژده* мужгон *مژگان*

Савол ва топшириқлар

1. *ذ , د , ز , ز* ҳарфларининг ҳар бир кўринишига 5 тадан мисол ёзинг.

2. Ўтилган ҳарфлар иштирокида сўзлар тузинг ва эски ўзбек имлоси асосида ёзинг.

БЕШИНЧИ ДАРС (2 соат)

س (*син*) ва *ش* (*шин*) ҳарфлари (1 соат)

с (*син*) ҳарфи ўзбек тилидаги *с* товушини ифодалайди. Ҳар икки томондан қўшилиб ёзиладиган муттасил ҳарфлар сирасига киради. Тўрт хил кўринишда ёзилади.

س

س

Син ҳарфининг якка ҳолда ҳамда сўз охиридаги шакллари сатр чизигидан пастга тушириб ёзилади.

сочик درس nafas нафас حيسم жисм ساچيق

Син ҳарфи кўлёмаларда икки ҳолатда учрайди: тишли *س*, ҳамда тишсиз , яъни бир чизиқ шаклида.

Син ҳарфининг кўлёмма китобларида ифодаланиши яна бир неча хусусиятга эга.

а) *син* баъзан сўзнинг қайси ўринларида келишидан қатъий назар, остки қисмига уч нукта қўйилган ҳолатда ёзилади.

хусн

Эслатма: Араб ёзувини ўрганаётган ёқувчилар *син* тагига қўйиладиган

— уч нуктага қараб, уни *پ* (*pe*) ҳарфи билан алмаштириб юбормасликлари лозим.

б) *син* ҳарфи сўз охирида (кўпинча бир томондан қўшиб ёзилувчи ҳарфлардан кейин келганда) ҳарф устига миндириб ёзилади

қиёس قياس йўлбарс يولبرس

Айрим ҳаттоғлар сўзда ҳарфларнинг бир-бирига боғланиш чизигини атай чўзиқ ёздилар. Бунда гўё *син* ҳарфининг сўз ўртасидаги шакли ҳосил бўлганга ўхшайди.

жамъ جمع ҳижрон حيجران

Уни *син* деб ўқимаслик керак.

Шин (*шин*) ҳарфи ўзбек тилидаги *ш* ҳарфига тўғри келади. Муттасил ҳарф. Тўрт хил кўринишда ёзилади.

ش ش ش ش

Мисоллар:

шаҳар شهر башар بشر тиш تيش қуш قوش

Шин кўлёмаларда кўпинча тишсиз ёзилади.

пушаймон

Синдан фарқи устида 3 нуктаси бўлади. Бу учта нукта кўлёмма асарларда қуйидагича ифодаланади.

шамол

ص (сод) ва ض (зод) ҳарфлари (1 соат)

ص (cod) ҳарфи ўзбек тилидаги с товушига яқин келади. Ҳар икки томонидаги ҳарфларга қўшилиб ёзилади. Муттасил ҳарф, тўрт хил кўринишга эга.

ص

ص

Cod тил орқа ундоши, у фақат араб тили орқали кириб келган сўзларда учрайди. Cod ҳарфининг сўз бошидаги ва сўз ўртасидаги шаклларигина сатр чизиғида ёзилади. Қолган кўринишлари сатр чизиғидан пастга тушади. Мисоллар:

сайёд صياد васл وصل қасд قصد қасос قصاص

ض zod ҳарфи "з" товушига яқин келади. Устидаги нуқтаси билан сод ҳарфидан фарқ килади. Бу ҳам тил орқа товушларидан, араб тилидан кирган сўзлардагина қўлланади, муттасил ҳарф. Тўрт хил кўринишга эга.

ض

ض

Zod ҳарфининг якка ҳолдаги ҳамда сўз охиридаги шакллари сатр чизиғидан пастга тушириб ёзилади. Мисоллар:

зиё ضيا ғазаб غضب қазо قضا арз عرض

Бир томондан боғланувчи ҳарфлардан сўнг улар устига мингаштириб ёзилади.

Эслатма:

ضни араблар "dз" деб талаффуз қилишади.

дзароба ضرب дзарб ضرب

ط (то ёки *итқи*) ва ظ (зо ёки *изги*) ҳарфлари

ط (to ёки *итқи*) ўзбек тилидаги t ҳарфига яқин келади. Муттасил ҳарф 4 хил кўринишга эга.

ط ط ط ط

Бу товуш ҳам араб тилидан кириб келган сўзлар учун хосдир. Сатр чизиғида ёзилувчи ҳарфлардан. Мисоллар:

талаб طلب лутф لطف хат خط шарт شرط

ظ (зо ёки *изви*) ўзбек тилидаги з товушига яқин келади. Муттасил ҳарф. Тўрт хил ёзилиш шаклига эга.

ظ ظ ظ ظ

Бу ҳам тил орқа ундоши. У араб тилидан кирган сўзлардагина ишлатилади. Бу ҳарф ҳам сатр чизигида ёзилади. Мисоллар:

зафар ظفر назар نظر зоҳир ظاهر лафз لفظ

То дан фарқли ўлароқ зо ҳарфининг устига бир нукта қўйилади. То ва зо ҳарфларининг тик тушган чизиги кўлёзма манбаларда ҳарфнинг асосий қисми билан боғланмасдан ёзиб кетилади.

Савол ва топшириқлар

1. ط, ظ, ص, ض, ش, س ҳарфларининг ҳар бир кўринишларини 4 катордан ёзинг.
2. Ўтилган ҳарфлар иштирок этган сўзлар тузинг.
3. خطاط, خطاب, خط, خطأ сўзларини ўқинг ва кўчириб ўзинг.

ОЛТИНЧИ ДАРС (2 соат)

ع (айн) ва غ (гойн) ҳарфлари (1 соат)

ع (айн) ёзувдаги вазифалари жиҳатдан бошқа ҳарфлардан ажралиб туради. Муттасил ҳарф. Тўрт хил кўринишга эга.

ع ء ع

Айн ҳарфининг мустақил ҳамда сўз охиридаги шакли сатр чизигидан пастга тушириб ёзилади. Айн ҳам араб тили учун асос бўлган портловчи бўғиз товушидир. Тилимининг лексик таркибидаги араб тили орқали кирган сўзлардагина учрайди. *аъ, еъ, иъ, уъ, эъ* товуш бирималарини ифодалашга хизмат қилади. Қуйидаги хусуситларга эга:

а) айн ҳарфи сўз бошида келганда тилимизга ўзлашган сўзларнинг айримлари а товуши сифатида талаффуз қилинади ва ёзилади.

амал عمل ақл عقل

б) араб тилидан ўзлашган баъзи бир сўзларда эса *и* унли товушни англатиб келади.

илм علم иморат عمارت

в) араб тили орқали кириб келган айрим сўзларда *у* ва *ў* товушларини ифодалайди.

Убайдулло ^{عبيد الله} умр ^{عمر}

г) баъзи сўзларда *о* товушини ифодалайди, бунинг учун ёзувда айнга алиф ҳарфи кўшиб ёзилиши шарт.

оқил ^{عقل} олим ^{عالم}

Эслатма: *о* (ʔo) сўз бошида келса, бажарувчи шахсни билдиради.

илм ^{علم} олим ^{عالم} ишқ ^{عشق} ошиқ ^{عاشق}

Айн ҳарфи сўз бошида алифдан кейин келганда кўпинча ҳозирги ёзувимизда айриш белгиси билан ифодаланган.

эътибор ^{اعتبار} аъло ^{اعلا}

Баъзи сўзларда айн ҳарфи сўз бошида ўз хусусиятларини йўқолган.

хайит ^{عيد} ҳасса ^{عصا}

Мазкур сўзлар асрлар давомида ўз талаффуз хусусиятини йўқотиб ўзбек тилининг талаффуз қоидаларига мослашган:

Айн сўз ичида ёпиқ бўғиндан кейин келса кейинги бўғинни олдингисидан ажратиб туради. Бу хусусият ҳозирги ёзувимизда айриш белгиси орқали берилади:

бидъат ^{بدعت} сунъий ^{صنعي}

Ҳозирги замон ўзбек тилидаги араб тили орқали кириб келган айрим сўзларда айн талаффуз ҳам қилинмайди, ёзилмайди ҳам. Лекин бу сўзлар эски ўзбек ёзувида ифодаланадиган бўлиб, айн ҳарфи ёзилиши шарт.

толе (ʔ) ^{طالع} тобе (ʔ) ^{تابع} жам (ʔ) ^{جمع}

غ (гайн) ҳарфи ўзбек тилидаги г товушига мос келади *г* (айн) ҳарфининг устига бир нуқта қўйилса, *г* ҳосил бўлади. Муттасил ҳарф. Тўрт кўринишга эга.

غ غ

гайн ҳарфининг сўз бошидаги ёки ўртасидаги шакллари сатр чизиғида ёзилиб, қолган шакллари тушириб ёзилади.

гайрат ^{غيرت} мағриб ^{مغرب}

Эски ўзбек тилида ҳозир қ ҳарфи билан ёзиладиган сўзлар г талаффуз қилинган ва ёзилган. Бу ҳозир қ ҳарфи билан туговчи сўзларда кўзга ташланади.

каттиғ (қ) ^{فتيغ} балиғ (қ) ^{بليغ} аччик (қ) ^{اجيغ}

ق (қоф) ва ف (фе) ҳарфлари (1 соат)

ف (фе) ҳарфи тилимиздаги ф товушига мувофиқ келади. Фе ҳарфининг устида битга нуқтаси бўлади. Муттасил ҳарф. Тўрт хил ёзилиш шаклига эга:

ف ف

фаҳр فخر сафо صفا

Баъзи ҳаттотлар аксарият ҳолларда ف (фе) ҳарфининг сўз ўртасидаги шаклини غ (гайн) ҳарфининг сўз орасидаги шаклига ўхшатиб ёзишади. Фарқлари контекстдан аниқланади.

Эски ўзбек ёзуви ёдгорликларида п товуши иштирок қилувчи айрим сўзларда кўпинча талаффузга қараб ف ҳарфи ифода этилган.

ق (қоф) ҳарфи ўзбек тилидага қ товушини ифодалайди. Қоф устига қўйилувчи икки нуқтаси ва нисбатан чуқурроқ ярим доира қилиб ёзилиши билан фе дан фарқланади. Муттасил ҳарф. Тўрт хил кўринишга эга.

ق ق

Қофнинг якка ҳамда сўз охиридаги шакллари сатр чизигидан пастга тушириб ёзилади.

котил قاتل нақл نقل

Ёзма нусхаларда ق (қ) ҳарфи устидаги 2 нуқта қўшилиб ёхуд кичкина чизиқча билан ифодалаб кетилаверади. Икки нуқта баъзан ҳарфнинг қайрилиш чизиги билан ҳам қўшилиб ёзилиши мумкин.

ق ق ق ق ق

ك (коф) ва ك (гоф) ҳарфлари

ك (коф) ўзбек тилидаги к ҳарфини ифодалайди. Муттасил ҳарф. Тўрт хил кўринишга эга.

ك ك ك ك

Сатр чизигига ёзилади. Мисоллар:

камон **كمان** тепки **تېپكى**

ك (*коф*) сўз охирида келганда қуйидагича шаклларда ёзилади.

ك ك ك

Баъзи манбаларда *коф* ҳарфи сўз бошида келганда қуйидагича ифодаланади.

ك ك ك

Кўлёмаларда *коф*нинг *алиф* билан боғланган ҳолати мана бундай ёзилади: **كا**

Эски ўзбек ёзувида битилган ёдгорликларнинг айримларида *коф* ўзбек тилидаги *г* товушини ҳам ифода этган.

ك (*гоф*) ҳарфи араб алифбосига форслар томонидан қўшилган ҳарфларнинг тўртинчисидир. У ўзбек тилидаги *г* товушни англатади. Муттасил ҳарф. Тўрт хил ёзилиш шаклига эга.

ك ك ك ك

Сатр чизигига ёзилади. **ك** (*гоф*) ҳарфининг **ك** (*коф*)дан фарқи кўриниши жиҳатидан 3 нуктаси борлигидир.

ك (*гоф*) **ك** шаклида бўлган. Кейинчалик 3 нуктаси бир чизик билан ифодалана бошлаган: **ك**

гул **گل** ғамгин **غمگين**

Одатда, эски ўзбек ёзувида *гоф* ҳарфи ёзилмасдан, унинг ўрнига *коф* қўлланилаверарган. *Коф* ва *гоф* ҳарфларининг **ل** (*лом*) ҳарфи билан боғланиши хусусида шундай айтиш мумкин.

кул **كل** гул **گل**

Саволлар ва топшириқлар

1 **ك, ك, ك, ق, ف, غ, ع** ҳарфларининг ҳар бир кўринишига 5 тадан мисол ёзинг.

2. Шу ҳарфлар иштирокида сўзлар тузинг.

◦ (хойи ҳавваз) ва ى (йо) ҳарфлари (1 соат)

◦ (хойи ҳавваз) араб-форс алифбосидаги ўттиз биринчи ҳарф бўлиб, мутгасил ҳарфлар сирасига киради. Тўрт хил кўринишга эга.

а) сўз бошида ва ўртасида келганида ҳ товушини ифодалайди.

ҳамиша همیشه маҳр مهر

б) сўз охирида келганида ҳам араб ва форс тожик тилларидан ўзлашган сўзларда ҳ товушини ифодалайди.

шоҳ شاه

в) сўз охирида келганида а унлисини ифодалайди, алиф билан бир хил вазифа ўтайтиди.

нола ناله

г) сўз охирида форс тили орқали кириб келган баъзи сўзларда и (аслида э) ҳарфини ҳам ифодалаб келади.

чунки چونگه балки بلگه

Босма хат шаклида همراه деб ёзилади.

Кўлёмаларда илмоқ ҳосил қилиниб, сатр чизигидан пастда унга томон қаратилган кичкина вергул шаклидаги белги қўйилади.

ҳижрон

Сўз ўртасида босмада ёзмада ёки тарзида ёзилади.

наҳр наҳр

Сўз охирида (босмада), (ёзмада) шаклида ёзилади.

ى (йо) ҳарфи мутгасил ҳарф 4 хил кўринишга эга.

ى

,ى

Йо ҳарфининг мустақил ҳамда сўз охиридаги шакллари сатр чизигидан пастга тушириб ёзилади. ى

Сўз боши ва ўртасида н ҳарфига нуқталарининг остига иккитадан қўйилиши билан фарқланади.

ى ҳарфи ўзбек тилида й ундошини, и, э, унлилларини, ий товуш бирикмасини ҳамда е, ё, ю, я ҳарфларини ифодалашга хизмат қилади. Агар

ى (йо) ҳарфи сўз бошида ҳеч қандай воситачи ҳарфсиз ўзи келса, й ундошини е (ي) я (يه) ҳарфларини ифодалайди.

йўл يول (й) елим يليم (й) яхши يچشى

Агарда ى (йо) бошида и ёки э унлиларини ифодалаши лозим бўлса, олдидан, албатта, ا (алиф) ҳарфи орттирилиши шарт.

эргак ايرتك инкор انكار

Кўпинча ёзувда алифдан кейин ى тушиб қолади.

икрор اقرار

и ва э сўз ўртаси ва охирида келганда алиф ҳарфи тушиб қолиб, фақат ى (йо) нинг ўзи ёзилиб кетилаверади.

тирик تريك

Агарда ى (йо) ҳарфи е, ё, ю, я ҳарфий белгиларини ифодалаши керак бўлса, ا (алиф), و (вов), ه (хойи хавваз) ҳарфлари боғланади. ю (йу) يو يا (йа) يه, е (йе) يى

тайёр تيار юмуш يومش ёлқин يالقين

е ва я ҳарфлари сўз боши ва сўз ўрталарида икки воситаси ҳарф тушиб қолади, лекин ўқишда е, я сифатида талаффуз қилинаверади.

яқин يقين ем ем

Эски ўзбек ёзувидаги ёдгорликларда кўпинча я (يه) ва ё (يا) ҳарфий бирикмалари аралаш қўлланган. Масалан: ямон يمان ёмон يمان

ى (йо) сўз охирида (баъзан ўртасида ҳам) келганида (ий) товуш бирикмасини ҳам англатишини кўрамыз.

сиёсий سياس илмий علمى синфий صنفى

Бундай ҳолда битта *ى* (йо) нинг ўзи ёзилиб кетади, баъзан иккаласи ҳам ёзилиб, биринчи *ى* (йо) ҳарфи устига *ء* (ҳамза) кўйилади: *ئى*

Одатда, (*ى, و, ا*) чўзиқ унлиларидан кейин келганда ҳамза кўйилади. баъзан сўзлар *ى* (йо) билан тугаса ҳам *ا* (о) сифатида талаффуз қилинади.

Исо *عيسى* ҳатто *حتى*

Бу хусусият арабча сўзларгагина тегишлидир. *ى* (йо) ва босма шакллари жиҳатидан кескин фарқланиб турувчи ҳарфлардан.

Ёзма

Босма

кетди

кетди

كىتدى

қолди

қолди

قالدى

тўй

тўй

توى

уй

уй

اوى

Савол ва топшириқлар

1. *ل, م, ن, و, ى, ه* ҳарфларининг ҳар бир кўринишларини 6 қатордан ёзинг.
2. Шу ҳарфлар иштирок этган сўзларни ёзиб машқ қилинг.
3. Дарсларни мустаҳкамлаш учун матнни эски ўзбек ёзувига кўчиришга ҳаракат қилинг.

ТАЯНЧ АТАМАЛАР

1. *ء* ҳамза белгиси

Бу белги одатда, араб тилидан кирган сўзларда учрайди. Ҳамза кўпинча унли товушларни билдирувчи ҳарфлар устига кўйилади ва талаффузда унли товушни ундош товушдан фарқлашда ва қатор келган икки унлини кўшилиб кетмаслиги учун ёзилади.

масъул

مسئول

III. ЭСКИ ЎЗБЕК ЁЗУВИНИНГ ХАТ ВА ИМЛЮ ХУСУСИЯТЛАРИ

ЭСКИ ЎЗБЕК ЁЗУВИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

(2 соат)

Маълумки, араб алифбосида 28 та ҳарф мавжуд бўлиб, форсий халқлар ўз товушларини ифодалаш учун унга қуйидаги тўртта ҳарфни қўшганлар:

ب (пе), ج (че), ز (же), ك (гоф)

Шундай қилиб, форслар алифбосидаги ҳарфлар сони 32 тага етади. Л Лекин ўзбекча (туркий) сўзларнинг ёзилишида булардан асосан қуйидаги 18 таси иштираётган.

ا ب ت ج خ د ر ز س ش غ ق ك ل م ن و ي

Қолган 14 та ҳарф ўзбекча сўзларда деярли қўлланмаган. Жумладан, 1. Қуйидаги 8 та ҳарф араб тилига хос товушларни ифодалайди.

ع ط ظ ض ذ ح ث

Шунинг учун булар араб тилидан ўзлаштирилган сўзлардагина қўлланган.

2. Араб алифбосига форслар томонидан киритилган 4 та ҳарф ўзбекча сўзларда деярли қўлланмаган. Яъни,

а) ز (же) ҳарфи билан ифодаланадиган товуш ўзбек тилида бўлмагани учун бу ҳарф ўзбекча сўзларда қўлланмаган.

б) ўзбекча сўзлардаги (г) ундоши учун ҳам ك (коф) ҳарфи қўллана берган. Форс тилидан ўзлашган сўзлардаги (г) ундоши учун ҳам кўпинча шу ҳарф қўлланган.

в) ўзбекча сўзлардаги (п), (т) ундошлари учун ҳам ب (бе), ز (же) ҳарфлари қўлланган. Форс тилидан ўзлашган сўзларда ҳам (п) ундоши учун кўпинча ب (бе) ҳарфи, ج (ч) ундоши учун кўпинча ز (же) ҳарфи қўлланган.

3. Ўзбекча сўзларда ف (фе), ه (хойи хавваз) ҳарфларининг қўлланиши жуда ҳам чегарали бўлган.

XV–XIX асрларда тузилган эски ўзбек луғатларида э фонемаси махсус атамалар билан кўрсатилган. Масалан: Толи Хиравий сўз бошидаги э товушини ва т касри алиф атамаси орқали берган:

ايسكى ва касри алиф кўҳна...

Эски – бошида э (форсча) кўҳна...
Сўз ўртасидаги э товушини беришда олим ёйни фатҳа билан ўқиш лозимлигини таъкидлайди.

كيلن ва фатҳи арус..

нэлин – ёй фатҳа билан ўқилади (форсча) арус...
Мирза Маҳдихоннинг "Санглоҳ" асарида бу товуш алифу ёйни била ишбоъ билан комбинацияси орқали кўрсатилади.

ايت била ишбоъ ва маънин гўшт...

Эт – ишбоъсиз, яъни тор эмас, маъноси гўшт.. 1860 йилда тузилган "Китоби луғата атрокийя" да ҳам шу ҳолни кўрамиз:

Фатҳ Алихон сўз бошидаги ғ товушини фатҳа атамаси орқали кўрсатган.

ايرته ва фатҳи аввал ва сукуни ё ва рои қарашат ва фатҳи тон қарашат ва маънин фарда...

эйрта – бошида ғ,й, ва р устида сукун, т фатҳали (форсча) фарда...
Сўз ўртасидаги э товушини кўрсатишда олим юқоридагидек ёйли сўзни фатҳа билан ўқиш лозимлигини таъкидлайди.

بيل ва фатҳи бои абжад камарро гўянд...

йёл – бои абжад, яъни, б, ғ унлиси билан (форсча) камар...
Кўринадики, э товуши XI асрда мавжуд бўлганлиги сабабли, эски ўзбек луғатларида турли атамалар орқали кўрсатилган.

Араб алифбосидаги куйидаги 10 та ҳарф ўзбек алифбосидаги ҳарфлардан талаффуз этилиши жиҳатидан бутунлай фарқ қилгани учун ҳам айрим ост-уст белгилар қўшилган ҳолда ёзилади.

ء ҳамза – ʼ ث со – с ح хо – х ز зол – з ز же – ж ص сод – с

ض зод – з ط то – т ظ зо – з ع айн –

Араб алифбосидаги қолган 27 та ҳарф ўзбек алифбосидаги ҳарфларга талаффуз этилиши жиҳатидан деярли тенг бўлганлиги учун ҳам диакритик белгисиз берилади.

Эски ўзбек ёзма манбалари тили лексикасини даврлар бўйича (XI асргача) кўриб чиқилганда кўпгина сўзлар икки, ҳатто бир қанчаларининг уч-тўрт фонетик вариантларда ишлатилганига дуч келамиз. Бу хил ҳар хилликлар эски ўзбек поэтик адабий тилининг ўз сўзлари орасида ҳам форс-тожик ва араб тилларидан ўзлашган сўзларда ҳам учрайди.

1. Ўзбек тилининг ўз сўзлари япроқ // яфроқ // яфроғ // япурғоз; ту-проқ // ғ, // туфроғ // ғ; кирпук // кирпик // кирпок; ёмғур // ёмғир // ямғур; тенгиз // денгиз; момук // момуғ ва бошқалар.

2. Арабча ва форс-тожикча сўзлар.

гавҳар // гуҳар; гунбад // гунбаз; паём // пайғоқ// паям; пайғамбар // паямбар; аждар // аждарҳо // аждаҳо // подшоҳ // подшо ва бошқалар.

Тарихий лексикологияда бу лингвистик ҳодисани объектив баҳолашда барча ёзма манбалар тилидаги ҳар бир вариант қайтариқлари билан олиб чиқилиши керак. Мана шунда уларнинг актив-пассивлиги қай бирининг бир ижодкор ижодида ёки поэтик адабий тилнинг бир даври учун вариант қайтариқлари билан олиб чиқарилиш керак. Мана шунда уларнинг актив-пассивлиги қай бирининг бир ижодкор ижодида ёки поэтик адабий тилнинг бир давра учун етакчи эканлигини баҳолашда объектив асос беради.

Ёски ўзбек ёзуви ёдгорликлари тилида араб изофали бирикмаларига қараганда форсий изофали бирикмалар жуда кўп. Улар ёзма ёдгорликлар тилига қўшничилик ва қардошлик алоқалари йўсинида шунчаки кириб қолган эмас, балки жонли грамматик восита сифатида тилда муҳим вазифа бажарган.

Маълумки, араб ва форс изофалари моҳият эътибори билан ҳамда сўз тартиби жиҳатидан ўзбек тилига тесқари. Ўзбек тилида олдин аниқловчи, сўнгра ақинланмиш келса, араб ва форс тилларида аксинча ҳолатни кўрамыз.

Мисоллар:

داد بيلوا – дарди бедаво درد سر – дардисар

Араб тилидаги изофа кўрсаткичи ال (ал) бўлса, форс-тожик тилида ی (и) товушидир. Форсий изофа кўрсаткичи, одатда, ёзувда акс етмайди. Лекин у баъзи истиснолардан ҳам ҳоли эмас. Агар аниқланмиш маъносидаги сўзнинг сўнги товуши ундош билан тугаса, ундай ҳолда ёзувда ҳеч қандай белги қўйилмайди. Лекин талаффузда аниқданмиш билан аниқловчи ўртасига, албатта, и товуши қўшиб айтилиши шарт. Мисоллар:

مرد میدان – марди майдон


Шуни таъкидлаш керакки, изофали бирикмани ўқиганда алоҳида эмас, балки бир бутун умумий интонация билан талаффуз қилиниши лозим. Шунинг учун ҳам изофали бирикмалар, одатда бир бутун синтактик бирлик сифатида тушунилади. Хуллас, ёски ўзбек тилидаб айниқса, классик шеърятимизда форсий изофада кенг фойдаланилган.

Савол ва топшириқлар

1. Араб, форс, ёски ўзбек ёзувининг ўзига хос муштараклиги ва фарқли жиҳатларини сўзлаб беринг.
2. Алифбога кейин қўшилган белгилар қайсилар?
3. Соф туркий сўзларда қўлланидиган ҳарфларни кўрсатинг.
4. Изофалар ҳақида маълумот беринг.

ЎЗБЕК ТИЛИГА ХОС БЎЛМАГАН БАЪЗИ ТОВУШЛАР ИФОДАЛОВЧИ ҲАРФЛАР (2 соат)

Маълумки, араб алифбосида 28 ҳарфлар бор. Булар араб тилининг талаффуз нормасини ўзида тўлиқ акс эттира олган. Шунинг учун араб тили талаффуз қондасига биноан барча мавжуд ҳарфлар оғиз бўшлиғининг турли ўринларида, турлича ҳолларда алоҳида талаффуз этилади. Мавжуд алифбодаги ҳарфларнинг баъзилари гўё товушдан сезилса-да, уларнинг қўлланилиш вазифаси бутунлай фарқлидир. Булар қуйидагилар:



Ушбу жадвалдаги қоида гўё улар бир хил товушни англатиб келгандек сезилса ҳам араб тили анъанавий қондасига биноан ўз ўрнида ишлатилиб келишмоқда. Ушбу ҳарфларнинг аксарияти соф арабча сўзлардагина қўлланилади:

аъйн – ع	зол – ذ	зод – ض	зо (изге) – ظ
хе – ح	то (итке) – ط	се – ث	сод – ص

Ушбу ҳарфлар ҳам арабий сўзларда қўлланиши билан бирга бошқа форсий, туркий сўзларда ҳам ишлатилади.

ҳойи ҳаввас – ه	син – س	те – ت	зе – ز
-----------------	---------	--------	--------

Мазкур бир қатор ҳарфлар алифбоғни ислоҳ қилиш даврида гўё булар товушдош, ортикча ҳарфий белгилар сифатида чиқариб ташланди. Бу эса ўз даврида анча қийинчиликлар туғдирди. Сўзларни нотўғри ўқиш ҳоллари ҳам бўлди. Ваҳоланки, булар яъни ҳарфларнинг ҳар бири ўз ўрнида ўзига хос вазифада, алоҳида маъно касб этувчи сўзларда қўлланилиши зарур.

ذ – зол ҳарфи бағбақа зокон – ذقن, зоил – ذليل, зоко – ذكا, зикр – ذكر.

ظ – зо изғи ҳарфи зарф – ظرف, золим – ظالم, Низомий – نظامي, зулумот – ظلمات, зоҳир – ظاهر, зафор – ظرف, назм – نظم, ҳофиз – حافظ.

ضربه - зарба , عريضة - ориза , قاضى - қазы , зод ҳарфи

غاز - ғоз , زكات - закот , زبون - зотун , زور - зўр , آزاد - озод , зе ҳарфи

طفل - тифл , طائر - Тойир , وطن - ватан , نطق - нутқ , то (итқи) - ط , لطف - лутф , طرب - тороб

تاجر - тожир , تدقيق - тадқиқ , تاغ - тоғ , مملكت - мамлакат , те ҳарфи - ت , كتاب - китоб

ثنا - ша , باعث - боис , ثمر - самара , مثل - мисл , са ҳарфи - ث , مثال - мисол

سرور - сарвар , ساز - соз , مستقل - мустақил , син ҳарфи - س , سعادت - саодат , رسم - расм

صيدا - сайёд , صلح - сулҳ , صابر - собир , صاحب - соҳиб , сод ҳарфи - ص , حاص - хос

حكمت - ҳикмат , حال - ҳол , محكم - маҳкам , رحمت - раҳмат , ха ҳарфи - ح , حضرت - ҳазрат , حسن - ҳасан

هرات - Хирот , مهر - муҳр , همای - хумой , ҳайи ҳавваз ҳарфи - ه , پادشاه - подшоҳ , هرگز - ҳаргиз , هدهد - ҳудхуд

ЭСКИ ЎЗБЕК ЁЗУВИДА УНЛИЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ (2 соат)

Эски ўзбек ёзувида унли товушларни ифода этиш учун асосий учта белгидан – ۱ (алиф), و (вов), ى (ё) ҳарфларидан фойдаланилади. Қисқа унлилар тушиб қолганлиги туфайли уларнинг вазифасини ҳаракатлар ба- жарган.

۱ (алиф) – араб алифбосидаги энг биринчи ҳарф. У муайян вазифа- ларни бажаради. Бир томондан кўшилувчи ҳарфлар сирасига киради. Яъни, ўзидан олдин келган ҳарфга кўшилиб, ўзидан кейингисига кўшилмайди. Шунинг учун ҳам ёзувда икки кўринишда акс этади: алоҳида (۱) ҳамда боғланган ҳолда (۱۰).

1. а) ۱ – алиф ҳарфи сўз бошида тил олди юмшоқ а товушини билдиради.

Аҳад – احد арбоб – ارباب

Асрор – اسرار анор – انار

Аҳмад – احمد Ақром – اکرام

б) Сўз бошида тил орқа о чўзик унлисини ифодалаш учун **ا** – алифнинг устига ~ мадд белгиси қўйилади, яъни устига мадд қўйилган **ا** – алиф о товушини билдиради.

Маддли алиф сўз бошидагина келади:

ош – اش одоб – اداب ол – ال обод – اباد орзу – ارزو

ором – ارام

в) Сўз орасида ва сўз охирида **ا** (алиф ҳарфи устига мадда белгиси қўйилмаса ҳам о чўзик унлисини билдираверади.

бодом بادام бозор بازار бобур بابر

раъно رعنا вафо وفا осмон اسمان

г) **ا** – алиф ҳарфи ўзбек тилига араб тилидан кириб ўзлашиб кетган сўзларнинг бошида келиб, и баъзан у талаффуз этилади. Бундай сўздарни ёзишда имлонинг тарихий, анъанавий қоидаларига амал қиламиз ва асл ёзилиш ҳолатини сақлаймиз.

ислом اسلام итобат اجابت идрок ادراك

умид اميد усул اصول уммат امت

2 а) **و** – вов ҳарфи сўз бошида келганда ҳар вақт в ундошини билдиради.

Мисоллар:

вазир وزير вакил وكيل вафо وفا

васф وصف ватан وطن водий وادي

б) **و** – вов ҳарфи сўз ичида ва охирида ундошлардан сўнг келганда, ўрнига кўра у ёки ў унлиларни билдиради.

буғун بوزاق сув بوزوک سو бузок

буғун کدو кади دارو дори بوژون

дўст بوست пўст دوست

г) у ҳарфи сўз ичида ёки сўз сўнгида унлидан кейин келса, "в" ундоши хизматини бажаради.

авлод اواره овора اواز овоз اولاد

девор بيراو биров او ов ديوار

ғов ياو ёв غاو

г) Сўз бошида у, ў унлисини ифодалаш учун , вов ҳарфи олдида а – алиф қўйилади, яъни шу икки ҳарф биргаликда у, ўрнига кўра ў унлилари хизматини ўтайди.

учмоқ اوزوم узум اوچ уч اوچماق

ўз اوغول ўғил اوت от اوز

д) у ҳарфининг ўзи уюшиқ бўлақлар орасида ва боғловчиси хизматини бажаради.

ота ва она – اش و نان – ош ва нон – انا و انا

З а) йо ҳарфи сўз бошида келганда ҳар вақт й ундош вазифасини бажаради.

юз ياقوت ёқут ياز ёз يوز

яшил ياشيل

б) ҳарфи сўз ичида ва охирида ундошлардан сўнг келганда, ўрнига кўра и ёки е (э) унлиларини билдиради.

киз قيز

Муқимий مقیمی

в) ى ҳарфи сўз ичида ёки сўз сўнгида унлидан сўнг келганда, ундош хизматини бажаради.

сиёҳ –
баён –
ойдин –
сой –
сарой –
бой –

г) ى ҳарфи сўз ичида ва охирида ий товуш бирикмасини ҳам билдиради.

зийрак زيرك жийрон جيران сиёсий لطفىي Лугфий لطفى

д) Сўз бошида и, е, (э) унлиларини ифодалаш учун ى – йо ҳарфи олдига ا – алиф қўйилади. Яъни шу икки ҳарф биргаликда и, ўрнига кўра е (э) унлилари хизматини бажаради:

илик – ايلك иш – ايش эшик – ايشك

эчки – اچكى

Бундан ташқари эски ўзбек ёзувида араб ва форс-тожик тилларидан ўзбек тилига кириб ўрнашиб кетган жуда кўп сўзлар мавжудки, буларда қисқа унлилар тушиб қолади. фақат ундош ҳарфларгина ёзилади: дафтар, мактаб сўзлари دفتر, مکتب шаклида ёзилади.

Мазкур сўзларда олтитадан товуш бўлгани ҳолда тўрт ундошнинг ўзигина ёзилади, қисқа унлилар тушиб қолган.

Эски ўзбек ёзувида бундай сўзларни қандай ёзиш ҳақида алоҳида қоида йўқ. Шунинг учун бу каби сўзларни араб ва форс-тожик тилларида қандай ёзилса, биз ҳам ўшандай ёзамиз. Бунинг учун сўз шаклларини ёдда сақлаб қолишимиз зарур ҳолатда лугатларга мурожаат қилишимиз керак.

Эски ўзбек тилида араб тилидан келиб кирган бир қанча сўзлар ёзилиши билан талаффузда фарқ қилади.

Мусо موس ҳатто حتى даъво دعوى

каби сўзлар охирида келган ى – йо ҳарфи ўрнида талаффуз қилинади.

Шу сўз охиридаги ى ҳарфи ёйи мақсура дейилади.

сўзларидаги **و** ҳарфи талаффуз этилмайди, бироқ ёзилади. Бу **واو** **ال معدو** вови маъдула (талаффуз этилмайдиган вов) дейилади. Шунга ўхшаш санокли сўзларнинг ёзилиши ва қандай ўқилишини эсда тутиш лозим.

Эски ўзбек ёзувида ўзбекча (туркий сўзларни ҳар хил ёзилиш ҳолатлари ҳам мавжуд. Масалан, **بير** – бир, **ييل** – йил, **تريك** – тирик каби сўзлар қўлёзмаларда **تريك**, **بر**, **يل** шаклида учрайди.

Мазкур сўзларда унли товушлар тўлиқ ёзилиши керак. Сўзларда қисқа унлиларнинг ёзилмаслиги араб ва форсий сўзларга мансубдир.

Савол ва топшириқлар

1. Чўзиқ ва қисқа унлилар ҳақида маълумот беринг.
2. Чўзиқ унлилар иштирок этган белгиларни турли ўринларда иштирок этишига мисоллар тўпланг.
3. Қисқа унлиларни ифодаловчи белгилар ҳақида маълумот беринг.
4. Унли ва ундош товушларни ифодаловчи ҳарф ва белгилар қайсилар?

ШАКЛДОШ ҲАРФЛАР ИМЛОСИ (2 соат)

Барчамизга маълумки, VII асрдан бошлаб араб босқинчилари Ўрта Осиё ва Кавказ бўйлаб катта ҳарбий юришлар қилиб, бу улкаларни эгаллаб олдилар. Тез фурсатда араблар ўз тили ва ёзувини маҳаллий халқларга зўрлаб сингдира бошладилар. Араб алифбоси жами 28 ҳарфдан иборат. Лекин VIII асрдан бошлаб араб алифбосини ўз ёзуви сифатида қўллаб келган форсий халқлар араб алифбосига ўз тилларидаги айрим товушларни ифодаловчи тўртта **پ** (пе), **چ** (чим), **ژ** (же), **گ** (гоф) ҳарфларини қўшдилар. Шунинг учун эски ўзбек ёзувида ҳам ўттиз икки ҳарф бор.

Араб ёзувининг асосий хусусиятлари:

- а) хат ўнгдан чапга қараб ёзилади;
- б) ёзувда бош ҳарф ҳолда кичик ҳарфлар ифодаланмайди;
- в) унли товушларнинг айримлари (қисқа унлилар) ёзувда аке этмайди;
- д) ҳарфлар бир-бири билан боғланиш-боғланмасликлари жиҳатидан икки гуруҳга боғланади;

г) сўзнинг ўзагида бир хил қўш ундош ёки қўш ушли келса, улардан биттасигина ёзилади.

Шунингдек, араб алифбосидаги талайгина ҳарфлар шаклдош ҳисобланади. Улар маълум шакллар устига ёки остига нукталар қўйиш билан ясалди. Улар қуйидагилардир:

ب шаклидаги ҳарфлар. Бу типдаги ҳарфлар тўртта. Улар шаклан ўхшаш, лекин нукталарининг ўрни ва миқдори билан фарқланади.

1. ب (бе) араб алифбосидаги иккинчи ҳарф.

У ҳар бир иккала томонидан келадиган ҳарфлар билан ҳам боғлангани учун тўрт хил кўринишга эга. Алоҳида ب, сўз бошида , сўз ўртасида

ب, сўз охирида ب шаклида бўлади. Бе ҳарфида битта нукта бўлади ва у ҳарфнинг остига қўйилади. "Бе" сатр чизиғида ёзилади.

Мисоллар:

бош – باش ботир – باتر қабул – قبول лаб – لب

рубоб – رباب

2. پ (пе) ҳарфи форслар томонидан киритилган ҳарфларнинг биринчиси. Унинг ўзига ўхшаш ҳарфлардан фарқи 3 та нуктаси борлиги ва нукталарнинг ҳарфнинг остига қўйилишидир. Пе ҳарфи 4 хил ёзилиш шаклига (якка ҳолда پ, сўз бошида , сўз ўртасида , сўз охирида پ

پ) эга.

Масалан:

пода – پاده ипак – اپك сеп – سپ

паришон – پريشان

"Пе" ҳарфидаги уч нукта баъзи ҳолларда қуйидагича ёзиб кетилади:

پ پ پ پ

ت (те) ҳарфи ўзбек тилидаги т товушига мувофиқ келади. Улар иккала томонидаги ҳарфларга қўшилиб ёзилади. Тўрт хил кўринишга эга: якка ҳолда ت, сўз бошида , сўз ўртасида , сўз охирида ت.

Масалан:

кетди - كيتدى тот - تات тил - تيل

4. ث (се) ҳарфи арабча сўзларга хос тиш оралиғи с товушини ифода-лайди. Демак, эски ўзбек тилига фақат араб тилидан ўтган сўзлардагина ишлатилади. Ҳар иккала томондан ҳам кўшилгани учун 4 хил кўринишга эга. Алоҳида ث, сўз бошида , сўз ўртасида , сўз охирида ث. Сатр чизиғида ёзилади, уч нуктаси ҳарф тепасига қўйилади:

сабот ثبات наср تثر

(се)нинг уч нуктаси қуйидагича тарзда ҳам ифодаланади:

ث, ث, ث, ث, ث, ث

ثاب, ثابث, اثب, اثب, ثبث, ثبا, مثل

ح шаклидаги ҳарфлар

Бу тилдаги ҳарфлар ҳам тўртта бўлиб шаклан ўхшаш, аммо нукталарнинг ўрни ва сони билан фарқланади.

1. ح (жим) ўзбек тилидаги жўра, жун сўзларидаги ж ҳарфига кўшиб ёзилади. Ёзувда тўрт хил кўринишга эга: якка ҳолда ح, сўз бошида , сўз ўртасида , сўз охирида шаклида бўлади. Жим ҳарфида битта нукта бўлиб, у нукта ҳарфнинг барча кўринишларида тагига қўйилади.

Мисоллар:

жаҳон جهان нажот نجات илож علاج

2. ح (чим) араб алифбосига форслар томонидан кўшилган ҳарфларнинг иккинчисидир. Ўзбек тилидаги ч ҳарфига мос тушади. Якка ҳолда ح, сўз бошида , сўз ўртасида , сўз охирида кўринишида бўлади.

Нукталарнинг жойлашиш тартиби худди *ne* ҳарфиники кабилар. Ми-сол: чол چال, кеч كچ, боғча باغچه, омовч اماچ, чоп چاب.

3. ح (ҳойи ҳуттий ёки ҳе) ҳарфи ўзбек тилидаги ҳ тоғвушига яқин келади. Бу ҳарф фақат араб тилидаги ўтган сўзларда учрайди. Иккала

томонидан келувчи ҳарфларга қўшиб ёзилади. 4 хил кўриниши мавжуд. Якка ҳолда ح, сўз охирида , сўз ўртасида , сўз охирида ح, Мисоллар:

хоким حاکم маҳра محرم сатҳ سطح

4.خ (хе) ҳарфи ўзбек тилидаги х товушини ифодалайди. Хар иккала томондан келадиган ҳарфларга қўшилиб ёзилади. Кўринишлари: якка ҳолда خ, сўз бошида , сўз ўртасида , сўз охирида خ.

Мисол:

халқ خلق бахт بخت шох شاخ

ханжар خنجر

Шунингдек, дол د ва зол ذ ҳарфлари ҳам шаклдош ҳисобланади. Дол د – эски ўзбек алифбосидаги ўнчинчи ҳарф. У ўзбек тилидаги д товушини ифодалайди. "Дол" фақат бир томондан қўшиб ёзилувчи ҳарфлар таркибига киради. Шунинг учун у икки кўринишга эга: алоҳида د, уларганда ذ. Ўнг томондан келган ҳарфга қўшилиб, чап томондагисига қўшилмасдан ёзилади. Лекин баъзан ёзувда ҳаттоларнинг хоҳиш-истакларига қараб қоидага ҳилоф равишда ўзидан кейин келган ҳарфга қўшиб ёзилиши ҳам кузатилади.

Масалан:

дор دار давр دور

бода باده

ذ (зол) ҳарфи ҳам ёзувда ифодаланиши жиҳатидан د (дол)га ўхшаш хусусиятларга эга.

Зол тиш оралиғида талаффуз қилинувчи товуш, у фақат араб тилидан кирган сўзларда учрайди. Ўзбек тилидаги з ҳарфига яқин келади. Бу ҳарф ҳам ўзидан олдинги ҳарфга қўшилиб ўзидан кейингисига қўшилмагани боис икки кўринишга эга. Якка ҳолда ذ, боғланган шаклда

ذ ل. Сатр чизиғида ёзилади, бир нуқтаси бор.

Мисол:

зокир – ذاکر

ذات, اذا, جذب, جاذب, ذاتا.

ر шаклидаги харфлар

Бу хилдаги харфлар учта. Улар ҳам шаклан ўхшаш, бироқ нукталарининг ўрни ва миқдори билан фарқланадилар.

1. ر (*pe*) харфи ўзбек тилидаги *p* товушини ифодалайди. Ўзидан олдинги харфга қўшилиб, кейингисига қўшилмайди. Икки хил ёзилиш шаклиги эга. (Якка ҳолда *ر*, боғланган ҳолда *ر*). Харфнинг маълум қисми сатр чизиғидан пастга тушириб ёзилади. Масалан:

асрор اسرار раҳм رحم қарор قرار

2. ز (*ze*) харфи ўзбек тилидаги "з" харфини ифодалайди. Икки хил кўринишга эга: якка ҳолда *ز*, боғланганда *ز* шаклида бўлади.

Мисол:

забон – زبان

махзун – مخزون овоз – اواز

Кўлёмза китобларда *ze* харфи ўзидан олдинги харфга боғланиб келганда кўпинча ўнг томонга сал оғдирилган алиф га ўхшаб кетади: جازا – жазо.

3. ژ (*je*) харфи араб алифбосига форслар томонидан киритилган харфларнинг учинчисидир. Икки хил ёзилиш шаклига эга: алоҳида *ژ*; уларган ҳолда *ژ*. *Je* журнал сўзидаги *ж* товушига мос келади. Мисоллар:

аждар – ازدر

мужгон – مژگان

س (син) ва ش (шин) шаклдош ҳарфлари

س (син) ўзбек тилидаги *s* товушини ифодалайди. Ҳар иккала томонидан келувчи ҳарфларга қўшиб ёзилади. Тўрт хил ёзилиш шакли мавжуд (якка ҳолда س, сўз бошида س, сўз ўртасида س, сўз охирида س)

сочик – ساجيق

Син қўлёзмаларда тишли ва тишсиз, яъни бир чизик шаклида бўлади.

س –

Баъзан ҳарф устига миндириб ёзилади:

қиёс – قيس قياس

йўлбарс – يولبارس

ش (шин) ҳарфи ўзбек тилидаги *sh* ҳарфига тўғри келади. Ҳар иккала томонидан келувчи ҳарфларга боғланади. Тўрт хил ёзилиш шаклига (якка ҳолда ش, сўз бошида ش, сўз ўртасида ش, сўз охирида ش) эга. "Шин"нинг уч нуктаси қўлёзма асарларда қуйидагича ифодаланади:

шамол – شمال

ش, ش, ش, ش, ش

Мисол: шаҳар – شهر, куш – قوش, тиш – تيش.

ص (сод) ва ض (зод) ҳарфлари

ص (сод) ҳарфи ўзбек тилидаги *s* товушига яқин келади. Ҳар иккала томондан қўшила олгани боис, тўрт хил кўринишга эга.

Якка ҳолда ص, сўз бошида ص, сўз ўртасида ص, сўз охирида ص .

Мисоллар:

сайёд صياد қасд قصد

қасос قصاص

ض (зод) ҳарфи з товушига яқин келади. Бу ҳам тил орқа товушларидан араб тилидан кирган сўзлардагина қўлланади. Ҳар иккала томонидан ҳарфларга қўшиб ёзилади. Тўрт хил ёзилиш шаклига эга: якка ҳолда ض, сўз бошида ض, сўз ўртасида ض, сўз охирида ض. Сод ва зод ҳарфларининг ёзма ва босма шакллари бир-биридан деярли фарк қилмайди. Мазкур ҳарфлар кўпинча қўлёзма китобларда бир томондан боғланувчи ҳарфлардан кейин келганда улар устига мингаштириб ёзилади:

ص ҳарфини араблар (дзад) деб юритишади ва ص (дз) тарзида талаффуз қилишади: дзараба – ضرب

Мисоллар: غضب ضيا

ض, حضر, حاضر, ضريدار, ضرب, رضا.

ط (то ёки итқи) ва ظ (зо ёки изғи) ҳарфлари

ط (то ёки итқи) ўзбек тилидаги т ҳарфига яқинг келади. Тўрт хил кўринишга эга: якка ҳолда ط, сўз бошида ط, сўз ўртасида ط, сўз охирида ط.

Бу товуш ҳам араб тилидан кириб келган сўзлар учун хосдир. Масалан:

талаб – طلب лутф – لطف

хат – حط шарт – شرط

ظ (зо ёки изғи) ўзбек тилидаги з товушига яқин келади. Ҳар иккала томонидан келувчи ҳарфларга қўшилади, 4 хил кўринишга эга. Якка ҳолда ظ, сўз бошида ظ, сўз ўртасида ظ, сўз охирида ظ.

Масалан:

зафар – ظفر

зоҳир – ظاهر

ع (айн) ва غ (ғойн) ҳарфлари

ع (айн) ёзувдаги вазифалари жиҳатидан бошқа ҳарфлардан ажралиб туради. Тўрт хил кўринишга эга. Якка ҳолда ع, сўз бошида ع, сўз ўртасида ع, сўз охирида ع. Айн ҳам араб тили учун хос бўлган поргловчи бўғиз товушидир.

аъ, еъ, уъ, эъ товуш бирикмаларини ифодалашга хизмат қилади. Айн ҳарфи сўз бошида келса, ўрнига қараб а, и, у, ў товушларини ифодалайди. Масалан:

амал – عمل иморат – عمارت Убайдулло – عبداﻟﻪ

умр – عمر ишқ – عشق

Баъзи сўзларда о товушини ифодалайди, бунинг учун ёзувда айнга алиф ҳарфи қўшилиши шарт:

олим – عالم оқил – عاقل ошиқ – عاشق

ع (айн) сўзда айриш белгиси вазифасини ҳам ўтайди. Эътибор – اعتبار, аъло – اعلا.

Араб тилидан кирган толе, жам, наф каби сўзлар эски ўзбек ёзувида ёзилганда, айн билан тугайди: толе – طالع, тобе – طابع, наф – نفع

غ (ғойн) ҳарфи ўзбек тилидаги ғ товушига мос келади. Ҳар иккала томондан қўшилиш хусусиятига эга. Тўрт хил кўриниш мавжуд: якка ҳолда غ, сўз бошида غ, сўз зртасида غ, сўз охирида غ.

Эски ўзбек тилида ҳозир қ ҳарфи билан ёзиладиган сўзлар ғ талаффуз қилинган ва ёзилган. Бу ҳозир қ ҳарфи билан туговчи сўзларда кўзга ташланади: балиғ –

аччиқ – اچيغ қаттиғ (қ) – قتيغ

Мисоллар:

ғайрат – غيرت тиғ – تيغ мағриб – مغرب

ك (коф) ва ك (гоф) шаклдош ҳарфлар

Эски ўзбек ёзувидаги *коф* ва *гоф* ҳарфлари ҳам шаклдош ҳисобланади. Иккаласи ҳам ҳар икки ёндан кўшилиб ёзилади, тўрт хил кўринишга эга. Якка ҳолда – ك, сўз бошида , сўз ўртасида , сўз охирида ك .

ك – якка ҳолда, ك – сўз бошида, ك – сўз ўртасида, ك – сўз охирида. Гоф кофдан устидаги чизикчаси билан фарқ қилади. Одатда эски ўзбек ёзувида ك (гоф) ҳарфи ёзилмасдан, унинг ўрнига ك (коф) ишлатилаверган. Коф ва гофнинг қўзлёмаларда алиф билан бирикиши куйидагича: كا, كا

Мисоллар: كمان камон, كتاب китоб, كاسب касб, گل гул, اگر агар, كشتك гаштак, رنك ранг.

Шундай қилиб, эски ўзбек ёзувидаги кўпгина ҳарфлар шаклдош ҳисобланади ва уларни бир-биридан фарқлай олишни талаб қилади. Шаклдош ҳарфларни бир-биридан фарқлаб турувчи нукталарни яхши билиш, мутолаани енгиллаштиради. Нукталар ўз ўрнига қўйилмаса, сўз бутунлай бошқа сўзга айланади, маъно ўзгариб кетади. Эски ўзбек ёзуви-ни ўрганиш кишидан кунт ва сабрни талаб қилади.

Савол ва топшириқлар

1. Нукталар ўрни ва сони билан фарқланадиган шаклдош ҳарфлар қайсилар?
2. Кўп шаклли ва икки шаклли ҳарфларни ажратиб кўрсатинг.
3. Шаклдош ва шаклан ноўхшаш ҳарфлар ўртасида турувчи ҳарфий белгиларга қайсилар киради?
4. Товушдош ҳарфларни ажратиб кўрсатинг.

ҲАМЗА БЕЛГИСИ ВА УНИНГ ВАЗИФАЛАРИ (2 соат)

Эски ўзбек ёзувида соф ўзбек сўзлардаги барча унли ва ундош товушлар ҳарфлар орқали ифодаланади. бироқ ўзбек тилидаги араб, форс-тожик тилларидан ўзлашган сўзларда ундош товушлар ва о,и, у чўзик унлиларгина ёзилади.

Киска унлилар талаффуз этилади, бироқ ёзилмайди. Шунинг учун ёзувда тушиб қолган қиска унлиларни акс эттириш учун ундошларнинг устига ва тагига қўйиладиган белгилар мавжуд.

Шу белгилардан биттаси «хамза» белгисидир.

Араб тилида хамза (همزة) портловчи, бўғиз, жарангсиз ундош ттовуши ҳисобланади. Араб тилидан кирган сўзларда хамза белгиси сўз ўртасида келганда, одатда ا (алиф), و (вов), ي (йо) ҳарфлари устига қўйилади.

Бу ҳарфлар хамза остида ҳеч қандай талаффуз қилинмай, фақат вазифачи бажарадилар. Булардан ي (йо) ҳарфи, сўз ўртасида келганда, икки томондан ҳарф билан қўшиладиган шакли нукталар ҳолда ёзилади.

ВОСИТАЧИ ҲАРФЛАР. ҲАМЗА ҚЎШИЛИШИ

ا	أ
و	ؤ
ي	ئ،

Воситачи ҳарфлар қуйидаги қоида асосида ишлатилади:

1. Сўзда хамза олдида келган ҳарфнинг ёки хамзанинг ҳаракати забар (ء) бўлса, воситачи ҳарф шаклида ا (алиф) ёзилиб, хамза шу ҳарфнинг устига қўйилади. Масалан:

та'кид - таъкидлаш - تأكيد

та'сис - таъсис, таъсислаш - تأسيس

жур'ат - журъат - جرأت

2. Сўзда хамза олдида келган ҳарфнинг ёки хамзанинг ҳаракати зир (إ) бўлса, воситачи ҳарф шаклида ي (йо) ёзилиб, хамза шу ҳарфнинг устига қўйилади.

Масалан,

хайъат - هئية юзлаб - مسائل масалалар - مسائل

Сўзда ҳамза олдида келган ҳарфнинг ёки ҳамзанинг ҳаракати пиш (□ў) бўлса, воситачи ҳарф шаклида و вов ёзилиб, ҳамза шу ҳарфнинг устига қўйилади. Масалан,

имонли – مؤمن автор – مؤلف жавоблар – مسؤل

Шундай қилиб, ҳамза остидаги воситачи ҳарфларнинг қўйилиши ҳаракат билдирган белгиларга боғлиқдир.

ВОСИТАЧИ БЕЛГИЛАР ЁЗИЛИШИ

Ҳаракатлар

Воситачи белгилар

забардан сўнг

ا

зирдан сўнг

ى

пишдан сўнг

و

Агар ҳамза сўз охирида келса, ҳеч қандай воситачи белгисиз ёзилади. Масалан:

имзо – эмзо'

امضاء

министрлар – вўзаро'

وزراء

бошланғич – эбтэдо'

ابتداء

бўлак – жўзв'

جزوء

Баъзан бир ёки икки бўғинли ҳамзали сўзларда ҳамза белгиси ёзувда тушиб қолиб, воситачи белги мустақил ҳарф сифатида ўқилиши мумкин.

Масалан:

бош

راس

رأس

фикр

راى

رأى

кадр

سان

شأن

тарих

تارىخ

تأريخ

деб ўқилади.

Айрим сўзларда агар ҳамза ундондан сўнг келган бўлса, унинг кетидан қандай унли келишидан қатъий назар, ҳамза ى ёо белгиси устига кўйилади.

Масалан:

масала – мас'алә – مسئله

масъул – мас'ул – مسئول

Баъзи сўзларда воситачи ҳарфларнинг ёзилиши қоиладан мустасно бўлиши ҳам мумкин.

раис – ра'ис رئيس

ўқиш, қироат – қара'ат قرائت

Ҳамзанинг хусусиятлари қуйидагича:

1. Агар ҳамза олдидаги бўғин очик бўлса, ҳамза ўз олдидаги унли товушга таъсир қилиб, уни чўзиброқ талаффуз этишга ва товушни бир оз тўхтатиш кераклигига ишора қилади. Ҳамзанинг бу таъсири айтарли кучли эмас, шунинг учун сўзни тез талаффуз қилганда, баъзан бутунлай сезилмайди. Масалан:

та'кид та'кид талаффузда таъкид

та'сис та'сис талаффузда таасис

мў'мән мў'мән талаффузда мўёмән

2. Икки унли орасида ҳеч қандай талаффуз қилинмайди.

Масалан:

ра'ис ра'ис талаффузда раис

мў'алләф мў'алләф талаффузда мўалләф

мў'ассасә мў'ассасә талаффузда мўассасә

3. Агар ҳамза олдидаги товуш ундош бўлса, ҳамза бўғин ажратувчи вазифани бажариб, бўғин орасида кичик пауза қилишга ишора қилади. Масалан:

мас'ул мас'ул талаффузда мас/ул

жўр'ат жўр'ат талаффузда жўр/ат

مسئلة мас'алэ талаффузда мас/алэ

4. Агар ҳамзадан кейинги товуш ундош бўлиб, ҳамза сукулли келса, ҳамза жарангли бўғиз товушига яқинлашиб боради.

رأس ра'с – бош

Ҳамзали бу сўзни тез талаффуз қилган пайтда ҳамза ўрнига унинг олдидаги товуш чўзиброқ талаффуз қилинаётганлиги сезилади.

5. Сўз охирида ҳамза бутунлай талаффуз қилинмайди. Масалан:

эмзо امضاء

эбтэдо ابتدا

6. Баъзан ҳамза сўз охирида маънони фарқлаш учун ишлатилади. Масалан:

جزء жүз' – қисм, бўлак;

جز жүз – бошқа.

Эски ўзбек ёзувида ҳаракатлар ҳамма вақт қўйилавермайди. Ҳаракатлар шакллари бир хил бўлиб, турлича ўқиладиган арабча ва форсий сўзлардагина қўйилади. Масалан:

ملك мулк – бойлик

ملك малак – фаришга

Араб тилида ҳам ҳаракатлар барча китобларда, жарида ва рўзномаларда қўйилавермайди, фақат Куръони каримнинг оятлари, ҳар бир сўз ва жумлалар ҳаракатлар билан таъминланган бўлади. Чунки уни Ислоом динидаги турли миллатларга мансуб бўлган мусулмонлар ўқийдилар. Ҳаракатлар сўзларни тўғри ўқиш учун кўрсаткичдир.

Савол ва топшириқлар

1. Ҳамза белгиси асосан қайси сўзларда қўлланади?
2. Ҳамза белгиси ва айн ع ҳарфининг яқинлик ва фарқли жиҳатларини тушунтириб беринг.
3. Ҳамза ء белгиси асосан қайси ҳарфлар устига қўлланади?
4. ء ҳамзанинг воситаси белгилар билан келишига мисоллар тўпланг.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР

1. Абдурахмонов Ф., Шукуров Ш., Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. Т., 1973.
2. Абдурахмонов Ф., Рустамов А. Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. Т., 1984.
3. Абдулхайров М. 1001 сўз. Эски ўзбек ёзувини ўрганувчилар учун луғат. Т., 1991.
4. Абдусаматов М. Эски ўзбек ёзуvidан расмли алифбо. Т., 1991.
5. Зуфаров Т. Хат таълими. Т., 1994.
6. Исходов М. Сўд ёзувининг шаклланиши ва тараққиёти. Ўлмас обидалар. Т., 1989. 46-84 бет.
7. Исоқов Ф. Эски ўзбек тили ва ёзуви. Т., 1995.
8. Мирзакаримова Ў. Эски узбек ёзуви. Т., 1990.
9. Мирзакаримова Ў., Қодиров М. Эски ўзбек тилидан амалий машғулотлар. Т., 1988.
10. Содиков Қ. Аждодларимиз битиги. Т., 1990.
11. Содиков Қ. Эски уйғур ёзуви. Т., 1989.
12. Шермухамедов Т., Абдуллаев Ф., Ҳалилов Ф., Ҳалилов А. Ўқиш китоби. Т., 1994.

ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР

1. А.Навоий асарлари луғати. Т., 1972.
2. А.Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 4 томлик. Т., 1983 - 1986.
3. А.Навоий. «Фарҳод ва Ширин». Т., 1965.
4. Абулғози Баҳодирхон «Шажараи тарокима». М-Л. 1958.
5. А.Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Т., 1982-84.
6. Аҳмедов Б. Ўзбекларнинг келиб чиқиши. Т., 1960.
7. Бобоқулов Ф. Эски ўзбек ёзуви. Т., 1989.
8. Драчук В. Ёзувлар ўтмиш сирлари шоҳиди. Т., 1978.
9. Жувонмардиев А. Ҳарф ва ракам. Т., 1966.
10. Жуманиёзов Р. Эски ўзбек ёзуви. Т., 1989.
11. Зоҳидов Л.А. Навоий ижодида муаммо жанри. Т., 1986.
12. Қодиров М. Латипов Ж. Эски ўзбек ёзуви курсидан контрол ишлар. Т., 1980.
13. М. Қошғарий. «Девону луғатит турк». 1960.
14. Муродов А. Ўрта Осиё хатотлик мактаби тарихидан. Т., 1971.
15. Содиков Т. Уйғур ёзуви тарихи. Т., 1997.
16. Умаров Э. Эски ўзбек луғатлари. Т., 1992.
17. Ҳакимжон Маъсудали. Хатти муаллимий. Т., 1991.
18. Ҳамидов З. Эски ўзбек ёзуви. Дастур. Т., 1991.
19. Шамсиев П. Матншуносликка оид тадқиқотлар. Т., 1986.

20. Алибек Рустам, Муҳаммаджон Қодир. Эски ўзбек ёзуви ва тили. 5 синф учун дарслик. Т., 1994.
21. Қодиров М. Эски ўзбек ёзуви. Академик лицейлар учун ўқув дастури. Т., 1999.
22. Қодиров М., Ҳақимжонов М. Алифбе. 3-4 синфлар учун дарслик. Т., 1992.

М У Н Д А Р И Ж А

УҚТИРИШ ХАТИ	3
СЎЗ БОШИ	4
I. НАЗАРИЙ МАЪРУЗА МАВЗУЛАРИ	
Ёзув ва унинг тарихи	5
Араб ёзуви ва Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан	8
Ўрта Осиё кўлёзма китобларининг бадиий безаги	11
Эски ўзбек ёзувини ўрганишнинг аҳамияти.....	12
Абжад ҳисоби.....	17
Мучал ҳисоби ҳақида тушунча.....	19
II. АМАЛИЙ САВОД ЎРГАТИШ ВА ЎҚИШ	
Эски ўзбек ёзуви.....	21
Алиф ҳарфи.....	26
Иккинчи дарс	27
Учинчи дарс.....	29
Тўртинчи дарс	31
Бешинчи дарс.....	33
Олтинчи дарс.....	36
Еттинчи дарс.....	40
III. ЭСКИ ЎЗБЕК ЁЗУВИНИНГ ХАТ ВА ИМЛО ХУСУСИЯТЛАРИ	
Эски ўзбек ёзувининг ўзига хослиги.....	45
Ўзбек тилига хос бўлмаган баъзи товушлар ифодаловчи ҳарфлар..	48
Эски ўзбек ёзувида унлиларнинг ифодаланиши	49
Шаклдош ҳарфлар имлоси.....	53
Ҳамза белгиси ва унинг вазифалари	61
Фойдаланилган адабиётлар.....	66

Босишга рухсат этилди 4.12.2001. Ҳажми 4,25 босма табоқ.
Бичими 60×84 1/16. Адади 150 нусха. Буюртма 506.
М.Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети
босмаҳонасида чоп этилди.